Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

Oʻzbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

2020-yil
15-oktabr
payshanba

№ 37 (4475)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

## ЯНГИ КАФЕДРА ИШ БОШЛАДИ

### унда ИИВ қўшинлари учун мутахассис офицер кадрлар тайёрланади

**Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг жанговар салоҳиятини ошириш, замонавий ва профессионал армияни шакллантиришга қаратилган кенг кўламлиислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясида «Ички ишлар вазирлиги қўшинларини тайёрлаш» кафедраси ташкил этилди.**

4









ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

# АСОСИЙ ШАРТЛАРДАН БИРИ




**Сўнгги йилларда ўзбек тилининг нуфузини оширишга давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда. Бу қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топмоқда. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида» қонуннинг 19-моддасида чет давлат фуқаросини ёки фуқаролиги бўлмаган шахсни мамлакатимиз фуқаролигига умумий тартибда қабул қилишнинг асосий шартларидан бири сифатида улар давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур даражада билиши лозимлиги кўрсатилган.**

Мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилишда чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан давлат тилини билиш даражасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга мувофиқ, Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилишда талабгорларнинг давлат тилини билиш даражасини аниқлаш Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тўлов асосида амалга оширилади. Имтиҳон талабгорнинг доимий яшаш ёки вақтинча турар жойи бўйича Марказ ёки унинг ҳудудий бўлинмаларида ўтказилади.

Синов имтиҳонида қатнашишни истаган талабгор бу ҳақдаги ариза билан Марказ ёки унинг ҳудудий бўлинмаларига шахсан ўзи ёхуд электрон шаклда мурожаат этади. Ушбу ариза асосида синов имтиҳони тегишли ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг 1 ой муддатда тест, ёзма ёки оғзаки шаклларда ўтказилади.

Мазкур Низомга кўра, синов имтиҳони якунлари бўйича энг юқори баллнинг 50 фоизи (50 балл)дан кам балл тўплаган талабгор синов имтиҳонидан ўтмаган ҳисобланади. У синов имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб камида 1 ойдан кейин қайта қатнашиш учун ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Фақат бунинг учун қайта тўловни амалга ошириши керак. Тўлов суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизини ташкил этади.

Низомда синов имтиҳонлари натижалари 3 кун муддатда эълон қилиниши белгилаб қўйилган. Шу ўринда синов имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган талабгорларга давлат тилини билиш тўғрисидаги малака сертификати берилишини, ушбу ҳужжат муддатсиз амал қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

**Бобомурод ТОШЕВ.**

ЁШЛАР – КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

# ШИЖОАТ ШАРОРАСИ

**Бугун юртимизда ўқиб-ўрганиб, тинимсиз изланиб, кўзлаган мақсадлари сари дадил одимлаётган, масъулиятли вазифаларда фаолият юритаётган ёшлар кўп. Бу уларнинг замон билан ҳамқадамлиги, изланувчанлиги, салоҳиятининг амалий ифодаси, десак, асло муболаға эмас. Тошкент шаҳар ИИББ Кадрлар бошқармасида ҳам тизимнинг қатъий тартиб-қоидаларини ҳаётий мезонга айлантирган ёш ходимлар кўпчиликни ташкил этади. Бошқарманинг маънавий-тарбиявий ишлар ва ижтимоий ҳимоя бўлими катта инспектори, майор Рустам Гулмирзаев ана шундай интилувчан ёшлардан биридир.**



Ота нафақат оиланинг суянчи, балки унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, гап-сўзи шу ошиёнда улғаяётган фарзандлар, айниқса, ўғил болага намуна, ибрат бўлади. Рустамда ички ишлар органлари тизимига қизиқиш уйғонишига ҳам шу соҳада узоқ йиллар фаолият юритган отаси Орифжон Гулмирзаев сабабчи бўлган.

– Болалигимда отамнинг хизмат кийими, погонидаги юлдузчаларга ҳавасим келарди, – дейди Рустам Гулмирзаев. – Кўча-кўйда отамнинг қўлларидан маҳкам тутиб, фахрланиб юрардим. Кейинчалик бу либосни шунчаки кийиб бўлмаслигини тушундим. Ички ишлар органлари ходими бўлиш қанчалик машаққатли касб эканлигини билганим сайин ҳавасларим орзуга айлана борди. 2007 йил синовлардан муваффақиятли ўтиб, Россия Федерацияси ИИВ Волгоград академиясига ўқишга кирдим.

Бугун майор Рустам Гулмирзаев эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда садоқат ва фидойилик билан хизмат қилмоқда. У соҳага оид янги қонунлар, меъёрий ҳужжатлар билан танишиб, ўқиб-ўрганишдан эринмайди, ўз устида тинимсиз изланади. Хизмат вазифасидан келиб чиқиб, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси ва хизмат текширувларида ҳар бир ҳолатни атрофлича ўрганиб, асосли хулосалар чиқаради. Энг муҳими, берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажаради.

– Бошқармамиз томонидан турли маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танлов ва мусобақалар ўтказиш анъанага айланган, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ Кадрлар бошқармаси бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Муҳаббат Аҳмедова. – Бу ходимларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши курашишдек масъулиятли фаолиятида хизмат самарадорлигини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Майор Рустам Гулмирзаев бунда ҳар бир ташкилий ишга алоҳида эътибор қаратиб, ўзининг асосли таклиф ва мулоҳазаларини билдиради.

Майор Рустам Гулмирзаев ўз хизмат бурчини шараф билан оқлаб, раҳбариятнинг қатор фахрий ёрлиқ, ташаккурномаларига сазовор бўлган ходим. «Ёш мутахассислар» V республика форуми доирасида ўтказилган «Энг ёш ички ишлар органи ходими» номинациясидаги фаол иштироки учун тақдирланган.

Ёш бўлишига қарамай, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни сақлаш йўлида ўзининг касб маҳоратини намоён этиб, хизмат қилаётган майор Рустам Гулмирзаев сингари ходимларнинг борлигидан кўнгилга хотиржамлик, деган ёруғлик инади. Зеро, ёшлар эртанги кун ишончи.

**Гулноза ТУРГУНБОЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

ТАДБИР

**Бирор тайинли ишнинг этагидан тутиш учун нечта идоранинг эшигини қоқишга тўғри келади. Буни иш излаб, унинг машаққатини бошидан ўтказган киши яхши ҳис қилади. Бироқ бугун жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларида бўш иш ўринлари таклиф этилиб, бундай сарсонгарчиликка чек қўйилмоқда. Жарқўрғон тумани ИИБ пробация хизмати ҳисобида турган озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини ўтаётган маҳкумлар учун ана шундай имконият яратди.**

# ҲАМКОРЛИКДАГИ МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Туман ИИБ пробация бўлими ва вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда «Ишга марҳамат!» бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда 500дан ортиқ иш ўринлари ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидагилар учун тижорат банкларининг кредитлари таклиф қилинди.

Ярмаркада ўзига иш излаган 67 нафар маҳкумдан 15 нафарининг бандлиги таъминланди.

– 3 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилгандим, – дейди Узумзор маҳалласида яшовчи Ҳусниддин Аҳмедов. – Бугунги ярмаркада мен ҳам қатнашдим. Туманимиздаги 48-умумтаълим мактабига қоровул вазифасига ишга кирдим. Бундан буён ҳалол меҳнат қилиб, рўзғоримни бутламоқчиман.

Ҳаётда адашган, билиб-билмай жиноятга қўл урганлар ҳам аслида инсон, шу юртнинг тенг ҳуқуқли фуқароси. Демакки, уларга яна имкон бериш, жамиятда ўз ўрнини топишлари учун кўмак зарур. Буни яхши англаган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари имкон қадар уларнинг қайта жиноят содир этмасликлари учун ана шундай ташаббуслар билан чиқишмоқда ва бу ўз ўрнида ижобий натижаланмоқда.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*

2020 ЙИЛ — ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ



# ҚАДИМ ТАМАДДУННИ ТИКЛАГАН МАКТАБ

**Бухоро жанубида жойлашган Қоракўл туманида пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, саноат билан бирга, мева-сабзавотчилик ҳам ривожланган. Айниқса, Қоракўл териларининг донғи дунёга кетган. Бироқ бугун бу юрт довруғини унинг иқтидорли ёшлари таратмоқда. Келажаги порлоқ бундай ёшларнинг аксарияти тумандаги Халқаро математика мактабида билим олишган.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 30 сентябрь куни «Ўқитувчи ва мураббийлар куни»га бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда Қоракўл халқаро математика мактаби фаолиятига тўхталиб, мактаби фаолиятига тўхтатилиб, маориф соҳаси мутасаддилари зиммасига ушбу истеъдодлар масканининг илғор тажрибалари билан танишиш ва уни кенг оммалаштирган ҳолда юртимиздаги барча шаҳар, туманларда ҳеч бўлмаганда биттадан шундай мактаб ташкил этиш вазифасини қўйди. Қадим тамаддунни тиклаган таълим маскани фаолияти билан танишиш, у ерда фаолият олиб бораётган зиёкорлар билан учрашиш, уларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида ИИВ Академияси профессор-ўқитувчиларидан иборат ишчи гуруҳи халқаро мактаб меҳмони бўлиб қайтишди.

Мактаб ҳовлисига қадам қўйишимиз биланоқ, мактаб директори Темир Рўзиевнинг қизғин суҳбатидан баҳраманд бўлдик. Унинг айтишича, маскан дастлаб ихтисослашган мактаб-интернат шаклида ташкил этилган. 2019 йили Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Халқаро математика мактаби мақомини олган.

**Шу давр мобайнида бу ерда таҳсил олган ўғил-қизлар халқаро олимпиадаларда 20 та олтин, 9 та кумуш ва 9 та бронза медални қўлга киритишган таҳсинга сазовор.**

Давлатимиз раҳбари мактаб жамоаси эришган бу ютуқларни алоҳида эътироф этиб, «бугунги ушбу мактаб битирувчиларининг 95 фоиздан ортиғи олий ўқув юртларига ўқишга кираяпти. Халқаро олимпиадалардан энг кўп медаль олиб келаётганлар ҳам айнан шу мактабнинг ўқувчилари ҳисобланади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан, ҳаттоки, пойтахт Тошкентдан ҳам одамлар ўз фарзандини Қоракўлга олиб бориб, ана шу мактабга ўқишга беришяпти. Биз бу таълим маскани эришаётган катта ютуқларни инобатга олиб, ўтган йили уни Халқаро математика мактабига айлантирдик», деган эди.

Дарҳақиқат, халқаро мактабнинг довруғи Кунчиқар юртдан океан ортигача, бу ёғи кўҳна Европадан олис Австралия қитъасигача етиб борган. Айниқса, 2019 йил Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида бўлиб ўтган халқаро математика олимпиадасида қўлга киритилган оламшумул ютуқ жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган юрт фарзандларининг салоҳиятини яққол намоён этди. Нуфузли беллашувнинг яккалик баҳсида 1 та олтин ва 2 та бронза, жамоавий баҳсда эса 4 та бронза медаль Ўзбекистон ёшлари кўксини безади.

**Халқаро математика мактабида ўқувчилар 3 та – техника (математика-физика), иқтисодиёт (математика-инглиз тили) ҳамда табиий фанлар (кимё-биология) йўналишларида билим олишади.**

Масканга ўқувчилар 7-синфдан бошлаб қабул қилинади. Қабул жараёнлари адолат ва шаффофлик принциплари асосида амалга оширилиб, мактабда ўқиш истагини билдирган ўқувчилар учун икки маротаба имтиҳон ташкил қилинади. Дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтганлар иккинчи синовга ҳозирлик кўришади. Ҳар иккала жараён ҳам ўқувчилар билан бирга, уларнинг ота-оналари ёки яқинлари иштирокида ўтади ва номзодлар олган баҳо шу куннинг ўзидаёқ эълон қилинади. Ўз-ўзидан бу қобилиятли, зукко, билимга чанқоқ ёшларнинг сараланиб олинишига замин тайёрлайди. Энг муҳими, қабул жараёнларида маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик ҳамда таълим тизимига салбий таъсир этувчи бошқа омилларга асло йўл қўйилмайди.

**Ўқув машғулотлари аниқ жадвал асосида соат 8:00 дан бошланиб, ҳар бир дарс 45 дақиқа давом этади. Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳар бир дарсга масъулият билан ёндашишади.**

Тушликдан сўнг ўқувчилар мустақил тайёргарлик машғулотларига жалб қилинади. Бунда улар нафақат мустақил



равишда, балки устозларининг кўмаги билан ўқитилаётган фанлардан билимларини мустаҳкамлайдилар.

Айтиш жоизки, халқаро мактабда таълим-тарбия жараёнини ҳар томонлама самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳар бир ўқувчи олий таълим муассасасига бўладиган имтиҳонлар билан бир қаторда, халқаро олимпиадаларга ҳам босқичма-босқич тайёрлаб борилади. Ўз навбатида, ўқишда юқори натижаларга эришаётган ўқувчилар мактаб ҳисоб рақамидан бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади. Бу ерда таълим тизимининг ўзига хослиги шундаки, ҳар бир ўқувчига индивидуал тарзда ёндашилади ва ўзаро соғлом рақобат муҳити таъсирида уларнинг билим салоҳияти юксалтириб борилади. Шу боис, билим масканида фаолият юритаётган педагоглар ҳам бир қатор фазилатлар эгаси бўлиши лозим.

**Халқаро математика мактабининг ўзига хос ўқитиш методлари бор. Масканда ўқувчилар ётоқхонада истиқомат қилган ҳолда таълим олишади.**

Шу боис, мактаб раҳбарияти ташаббуси билан ой якунида ўқувчилар ва она-оналар йиғилиши ташкил қилинади. Йиғилишда ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш даражаси, одоб-ахлоқи, ютуқ ва камчиликлари жамоа орасида муҳокама қилинади. Дейлик, аъло баҳоларга ўқиётган ўқувчининг ота-онасига ташаккурнома эълон қилинса, нисбатан пастроқ кўрсаткичларни қайд этаётган ўқувчининг ота-онасига жамоавий танбеҳ бериш орқали тарбиявий таъсир кўрсатилади. Натижада ҳам ўқувчи, ҳам унинг ота-онасида ўзини ижобий томондан кўрсатишга бўлган кучли иштиёқ пайдо бўлади. Қолаверса, «мактаб–ота-она–маҳалла» ҳамкорлиги ёш авлоднинг таълим-тарбиясида ота-оналар ва маҳаллаларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирда пандемия шароити туфайли бундай тадбирлар асосан онлайн мулоқот тарзда олиб борилияпти. Эътиборимизни тортган бу «Ишонч қутиси»дир. Қути ўқитувчи ва ўқувчилар учун ташкил этилган бўлиб, улар ўқув жараёнининг қай тарзда кечаётгани, мавжуд муаммолар ва камчиликлар, уларнинг ечимлари юзасидан таклифлари, шунингдек, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга оид ёзилган фикрларини ташлашади. Мактаб директори томонидан ушбу фикр-мулоҳазалар ёҳуд шикоят ҳар ойда бир маротаба холисона тарзда ўрганилади.

**Яна бир самарали усул «Мулоқот» деб номланади. Бунда ўқувчиларнинг бир ҳафта мобайнида эришган ютуқлари ёки билим олишда йўл қўйган сусткашлиги айтиб ўтилади.**

Шу ўринда яна бир ютуққа тўхталмасак бўлмас. Мактаб ўқувчиларининг хорижий тилларда бемалол сўзлай олишлари ҳар қандай кишини ҳайратлантиради. Чунки улар хорижий тилларни билиш даражасини аниқлаштирувчи «IELTS» дастури асосида таълим олишмоқда.

Хулоса ўрнида айтадиганимиз шуки, бу зиёе масканида камол топаётган ёш авлод яқин йилларда Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам қанотлари бўлиб юксак парвозга шайланади. Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек сингари буюк аждодларимизнинг вориси саналган бу ёшларимизнинг илм чўққилари сари қўяётган дадил қадамлари, улар эришаётган ҳар бир ютуқ халқимизнинг порлоқ истиқболга элтиши шубҳасиздир.

**Жамшид ХОЛОВ,**
**катта лейтенант.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

# ЯНГИ КАФЕДРА ИШ БОШЛАДИ

## унда ИИВ қўшинлари учун мутахассис офицер кадрлар тайёрланади






*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Янги кафедрани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад Ватани ва халқига содиқ, ҳарбий бўлинмани бошқариш, мураккаб тактик вазиятда мустақил ҳаракатланиш, мақсадга мувофиқ келадиган қарор қабул қилиш ва шахсан намуна кўрсатган тарзда ўз бўйсунувчиларини бўлинмага юклатилган жанговар-хизмат вазифаларни самарали бажарилишига сафарбар этиш қобилиятига эга мутахассис офицер кадрларни тайёрлашдан иборат. Ушбу мутахассислардан ҳарбий иш соҳасида чуқур билим, юксак маънавий-руҳий, ахлоқий фазилатлар, етакчилик ва ташкилотчилик сифатларига эга бўлиш, бошқариш фаолиятига оид ҳамда ишониб топширилган жанговар техника ва қурол-аслаҳани тўғри қўллашга оид кўникмаларни пухта эгаллаш талаб этилади.

Мазкур кафедра профессор-ўқитувчилари таркибида илмий-педагогик фаолият олиб бориш мақсадида ИИВ ҳарбий тузилмалари таркибидан юксак ҳаётий ва хизмат кўникмаларига эга бўлган, тажрибали офицерлар сафарбар этилган. Кафедра «ИИВ қўшинлари тактик-қўмондонлиги» ҳамда «Аниқловчи ва қўриқловчи электрон тизимларни ташкил этиш ва фойдаланиш бўйича қўмондонлик-муҳандислиги» таянч олий ҳарбий таълими мутахассисликлари бўйича бакалавриат таълим йўналиши бўйича офицер кадрларни тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедралари профессор-ўқитувчиларининг илғор педагогик маҳорати ва тажрибаларига таяниб, мавжуд замонавий ахборот технологиялари ва ўқув-моддий негиздан, янги инновацион таълим услубиётидан кенг фойдаланган тарзда, ўқув-тарбиявий жараёнида ИИВ ҳарбий тузилмаларига мутахассис офицер кадрларни тайёрлаш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг 30 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида: «Бугун аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси мураккаб тузилгани, уларда назарий билимлар амалиёт билан боғланмагани, ўқув дастурларида узвийлик йўқлиги, дарсликларнинг мазмуни ва сифати қониқарсиз экани ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда», деб таъкидлаб ўтдилар. Юртбошимизнинг сўзлари ҳозирги кундаги айни ҳақиқат ва олий таълим муассасаларини битирган ёш кадрларнинг амалий кўникмалари саёзлиги уларни иш фаолияти самарасига тўсиқ бўлаётганлигини кузатиш мумкин.

Малакали кадрларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш ва ўз соҳасининг етук мутахассисларини тайёрлаш мақсадида кафедра ўқитувчилари олий ҳарбий таълим муассасаси битирувчисининг олдига қўйилган квалификацион талабларни инобатга олган тарзда ўқув дастурларини ишлаб чиқишди. Ўқув дастурлари қўшинлар жанговар-хизмат фаолиятини тўлиқ қамраб олган мавзуларни ўзида жамлаган. Таълим жараёнининг эллик фоиздан зиёд мавзулари қўшинларнинг ҳарбий қисм ва қўриқланаётган объектларида, курсантларнинг назарий билимларини амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаган тарзда режалаштирилган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ўринбосари, полковник Ҳ. Қаршиев, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Б. Мирзараҳимов, Қуролли Кучлар Академияси раҳбарияти бошчилигида янги босқич курсантларининг таълим жараёнини моддий-техник таъминлаш, махсус синф хоналарини жиҳозлаш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар, кўрилаётган чора-тадбирлар ИИВ ҳарбий тузилмаларига малакали ва ўз соҳасининг етук мутахассис кадрларини етиштириб чиқаришга замин бўлишига ишонамиз.

**Ўктам ХОЛМАТОВ,**
**кафедра бошлиғининг ўринбосари, полковник.**
**Ориф ТЎРАХЎЖАЕВ,**
**кафедра ўқитувчиси, подполковник.**



ОЙЛИК ДОИРАСИДА

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛДИ

**Юртимизда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш борасида давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигида бир қатор профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Хусусан, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларини тўлақонли таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари томонидан вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялар, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигида 2020 йилнинг 15 сентябридан 15 октябрига қадар **«Ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий маданият ва ахлоқ-одоб ойлиги»** ўтказилди.





Мазкур тадбирда ёшларнинг турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш, уларнинг назоратсиз ва қаровсиз қолишининг олдини олиш мақсадида бозорлар ва бошқа савдо масканлари, интернет-клублар, тунги кўнгилочар масканлар ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этилиши мумкин бўлган бошқа жойларда жамоатчилик назорати кучайтирилди.

Сир эмаски, ҳаётда ота-она тарбиясида қолиши боланинг манфаатларига зид бўлган, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирилган ёки болалар одам савдоси қурбони бўлган ҳолатларда ҳам учраб туради. Ана шундай ҳолатларда, шунингдек бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолатлар бўйича тақдим этилган хабарлар юзасидан васийлик ва ҳомийлик органлари болаларга васий ва ҳомий тайинлади. Айримлари қонун ҳужжатларига мувофиқ фарзандликка ва оила тартибида (патронат) олиниши таъминланди.

Тадбир давомида вояга етмаган фарзандларини тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятини бажармаган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан 47 нафарига нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, қонуний чора кўриш учун ваколатли органларга тақдим этилди.

Бундан ташқари, вояга етмаганларни мажбурий меҳнатга жалб этилишининг олдини олиш мақсадида таълим муассасаларида «Давомат» тадбири ўтказилмоқда. Пахта йиғимига вояга етмаганларнинг жалб этилишига йўл қўймаслик бўйича дала майдонларида жамоатчилик назорати ўрнатилди.

**Баҳриддин СУЛТОНОВ,**
**ИИВ ҲПББ бўлим бошлиғи, подполковник.**

МУАММО ВА МУЛОҲАЗА




# БОЛАМНИ ХУРСАНД ҚИЛАМАН ДЕБ...

**Кўп қаватли уйда яшайман. Яқинда уй олдида қўшнилар билан турганимизда биз томон яқинлашиб келаётган «Спарк» автомашинаси эътиборимни тортди. Ҳайдовчи ўриндиғидаги киши чамаси икки-уч ёшли болани олдига ўтирғизиб олган, болакай эса рулни тутганча, машинани у ёқдан-бу ёққа буриб келарди. Кичик «ҳайдовчи»нинг қилиғидан, хурсандчилигидан отанинг ҳам оғзи қулоғида эди.**

Ҳолатдан таажжубга тушган фақат мен эмас эканман. Ёнимдагилар ҳам баравар «ҳай-ҳайлаб» бунга эътироз билдирди. Иршайиб кетаётган ҳайдовчини машинани тўхтатишга ундашди. «Спарк» биздан ўтиб, бир чеккага тўхтади. Лекин эшик очилиши ўрнига ойнаси пастга тушиб, ҳайдовчининг юзи кўринди:

– Ҳа, тинчликми?

– Оғайни, бу нимаси, ёш болани рулга ўтирғизиб олибсиз?

– Сизга нима, оғирлиги тушаяптими? Ё кўчага хўжайинмисиз?! – дея қўрслик қилди.

– Ҳой, барака топкур. Кўрмаяпсизми, болалар ўйнаб юрибди. Бир корҳол бўлса...

– Бола меники, машина ўзимники, билганимни қиламан...

У шундай деганча машинанинг педалини босди. Бир сўз билан айтганда, у ўзининг сўзлари, хатти-ҳаракати билан қандай масъулиятсиз киши эканлигини кўрсатди-қўйди. Менимча, шундай отанинг тарбиясини олган, ҳозир машина ҳайдаяпман дея оғзи қулоғида бўлган фарзанд келажакда бошқаларнинг машинасини олиб қочиб ҳайдашига ҳам шубҳа қилмаса бўлади. Афсуски, ўринли танқидни тўғри қабул қила олмайдиган, боланг ёмон деса, сизни душманга чиқарадиган ана шундай ота-оналар кўпайиб бормоқда. Улар фарзанди қувончи учун ҳамма нарсага тайёр, лекин қилаётган ишлари дилбанди тарбиясига қандай таъсир этишини ўйлаб ҳам кўришмайди. Оғизда чиққан нарсани муҳайё қилишади-ю, бунинг салбий оқибатларини хаёлига ҳам келтиришмайди.



...Яқинда ижтимоий тармоқларда Андижон вилоятида рўй берган бир воқеа кенг муҳокамага сабаб бўлди. Шу йилнинг 5 октябрь куни Андижон шаҳар ИИБ ЙҲХБ ЙПХ ходими белгиланган тақсимот асосида ўзига бириктирилган ҳудудда хизмат олиб бораётган вақтида хизмат жойига яқин бўлган умумтаълим мактаби томон ҳаракатланаётган «Нексия-3» автомашинаси унинг эътиборини тортади. Бунга сабаб транспорт воситасини вояга етмаган бола бошқариб келаётганида эди.



Инспектор автомашинани тўхтатиб, дарҳол унинг ёнига боради ва ёшини сўрайди. Буни қарангки, у 5-синф ўқувчиси экан. 12 ёшли болага қайси ота-она машина бошқаришни ишониб топширди? Ёки унинг бу хатти-ҳаракатидан яқинларининг хабари йўқми?

Бола таҳсил оладиган мактабдаги ўқитувчилар жамоаси, ўқувчилар ва боланинг оила аъзолари иштирокида юқоридаги ҳолат кенг муҳокама этилди. Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган, вояга етмаган болага бошқарувни топширгани учун автомобиль эгасига нисбатан белгиланган тартибда чора кўрилди.

Шунга ўхшаш ҳолат Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида ҳам кузатилди. Бу вазиятда ҳам она ўғлини хурсанд қилиш ёки бошқа сабаб биланми, «Нексия-3» автомашинасини



15 ёшар ўғлига ишониб топширган. Йигитча эса бундан унумли фойдаланиб қолмоқчи, кимлардир зўр кўринмоқчи бўлиб, икки синфдош қиз ва яна бир ёш болани машинада сайр қилдирмоқчи бўлади. Лекин бир томондан транспорт воситасини бошқаришдаги тажрибасизлик, бошқа томондан синфдошлари олдида ўзини кўрсатиш иштиёқи унга панд беради. Ҳодисага гувоҳ бўлган ҳайдовчининг сўзларига кўра, ўқувчи нақд 1 километр масофани йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларига халал берган ҳолда босиб ўтган ва бетон тўсиққа бориб урилган.

– 4 октябрда туманимизда вояга етмаган бола иштирокида рўй берган йўл-транспорт ҳодисасида, биринчи навбатда, фарзандларини эътиборсиз қолдирган ота-она айбдор, деб ҳисоблайман, – дейди Пахтакор тумани ИИБ ЙҲХБ бошлиғи, капитан Усмон Душабоев, – Онанинг ҳали вояга етмаган, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаган ўсмирга автомашина калитини ишониб топшириши ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди. Бу воқеа аянчли оқибатлар билан тугаши ҳам мумкин эди. Фақат тасодиф туфайлигина бола ҳамда унинг синфдошлари ҳаёти ва саломатлигига зарар етмаган.

Табиийки, мазкур масала йўл-транспорт ҳодисасига сабабчи бўлган ўқувчи таълим оладиган мактабда муҳокама этилди. Бу каби тарғибот тадбирлари қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида, ўқув муассасаларида уюштирилаяпти. Уларда вояга етмаганлар иштирокида вилоятда рўй бераётган йўл-транспорт ҳодисаларининг оқибатлари ҳақида сўз юритилиб, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиниши юзасидан тушунчалар берилаётир. Жиззах вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан эса ЙПХ инспекторларига мазкур масалага эътиборни янада кучайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

– Болалигимда отамнинг «Жигули»си бўларди, уни ҳайдашга жуда қизиқардим, – дея ўз фикрини билдиради ўқитувчи Қурбон Нурбоев. – Бир куни отам уйда йўқлигида укам билан уни ҳайдашга ҳаракат қилдик. Энди юргизиб, кўчага чиқаётганимизда бошқарувни йўқотиб, дарвозага туртиб олдик. Шунинг устига отам келиб қолди. Бақирмади, уришмади, фақат бир оғиз гап айтди: «Права»ни олмасдан туриб машина рулига ўтирганларингни кўрмайин!» Бизга ўша гап етарли бўлди. Ҳайдовчилик гувоҳномаси олгунимча машина бошқармадим. Лекин ҳамма ота-она ҳам бундай йўл тутмайди. Афсуски, ҳали мактабни битириб-битирмаган фарзандига машинани ишониб топшириб қўядиган, унинг транспорт воситаси бошқарганига хурсанд бўладиган ота-оналар ҳам талайгина. Бундай қилиш асло яхшиликка олиб келмайди. Шу боис ота-оналарнинг ҳуқуқий жавобгарлигини кучайтириш зарурдир, балки.

... Азиз ватандош, кўнгилсиз вазиятларга тушиб қолишни, фарзандингизнинг озор чекишини хоҳламайсизми? Унда йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилинг. Фарзандингизни хурсанд қиламан деб, ўзингиз ғам чекиб қолманг, бошқаларни ҳам қайғуга ботирманг. Автотранспорт воситаларини бошқариш учун вояга етмаганларга берманг: Зеро, йўл хатоларни кечирмайди, сўнгги пушаймондан эса фойда йўқ.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ПАТРУЛЬ ШАҲАР КЕЗАДИ

# АҲОЛИ ОСОЙИШТАЛИГИГА КАМАРБАСТА

**Остона ҳатлаб кўчага чиқар эканмиз, турли кутилмаган воқеаларга дуч келишимиз эҳтимолдан холи эмас. Нукуслик А.С. рўзғор учун ул-бул нарсани харид қилиш ниятида бозорга борди. Бир дўконга кирганида одамлар кўплиги учун навбат кутиб туришига тўғри келди. Шу пайт олдида турган йигитлардан бири ортга қайтмоқчи бўлди ва унга туртиниб, узрини сўраганча ташқарига шошилди. Унинг изидан ёнида турган икки шериги ҳам чиқиб кетди.**



Аввалига йигитларнинг бу ҳаракатига унчалик эътибор бермаган А.С. ҳисоб-китоб қилиш учун чўнтагига қўлини суқиб, ҳуши бошидан учди. Чунки бозор қилиш учун олиб чиққан пули йўқ эди. Шундан кейингина боя текис жойда унга туртиниб ўтиб кетган йигит эсига тушди ва бозор ҳудудидан ички ишлар органларини ходимларини излай бошлади.

А.С.нинг кўрсатмасига биноан, қидирув ишларини бошлаб юборган Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ходимлари – сафдорлар А. Вайсов ва О. Сақбергенов бироз ўтиб, кисавурларни қўлга олишди. Аниқланишича, улар Нукус шаҳрида яшовчи 1982 йилда туғилган С.Р., 1984 йили туғилган З.Ю. ва 1994 йилда туғилган К.Р. экан.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда бошқа соҳавий хизматлар вакиллари қатори ППХ ва ЖТСБ ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бунинг натижасида жорий йилнинг ўтган 9 ойида республика ҳудудида жамоат жойларида содир этилган жиноятлар 2,78 фоизга, қасддан баданга оғир тан жароҳати етказиш 75 фоизга, ўғирлик 21,4 фоизга ва бошқа жиноятлар 58,3 фоизга камайишига эришилди. Шу билан бирга, ППХ ходимлари томонидан 13 та, бошқа хизматлар билан ҳамкорликда 40 та жиноят «иссиқ изида» фош этилди. Мисол учун, Нукус шаҳрининг Кўраган кўчасида яшовчи К.С. ички ишлар органига мурожаат қилиб, номаълум шахслар яшаш уйидан велосипед ва устачилик анжомларини ўғирлаб кетганлигини маълум қилди. Мурожаат юзасидан олиб борилган тезкор қидирув ишлари давомида Хўжайли туманида яшовчи фуқаро С.М. ушбу ўғирланган буюмларни сотаётган вақтида катта сержант Е. Бердиев ва сафдор М. Миратдинов томонидан ушланди.



Шунингдек, Нукус шаҳридаги таълим муассасаларидан бирининг ўқув амалиёти хонасидан битта пайвандлаш ускунаси ва унинг қўшимча анжомлари ўғирлаб кетилган эди. Ҳолат бўйича ўтказилган тезкор қидирув ишлари давомида ППХ ва ЖТСБ ходимлари – сафдорлар И.Фазилов ва Б.Казаков ушбу жиноятни содир этган шу ерлик Т.Н., А.Ж. ва Т.С.ларни қўлга олишди.

– Айни пайтда ходимларимиз Нукус шаҳридаги кўча ва жамоат жойларида тартибни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун икки сменада, 17 та патруль йўналишида хизмат ўташяпти, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор Бахтиёр Торемуратов. – Ўтган вақт мобайнида жамоат жойларида ҳуқуқбузарлик содир этгани ёки шубҳа уйғотгани учун 24 мингдан ортиқ фуқаролар ички ишлар органларига олиб келинди. Шундан 6 мингдан ортиғи жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилгани, 5 мингдан ортиғи майда безорилик бўйича маъмурий жавобгарликкка тортилди.

Албатта, ҳар қандай фаолиятда ҳам ишни тўғри йўлга қўйиш муваффақиятни таъминлайди. Шу боисдан, ходимларга кунлик йиғинлар давомида аҳоли билан яхши муомалада бўлиш, жамоат тартибини сақлаш жараёнидаги турли вазиятларда босиқлик билан ҳаракат қилиш лозимлиги тушунтириб борилмоқда.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

СОҲА ФИДОЙИЛАРИ

# ҚАТЪИЯТЛИ ЙИГИТ

**ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари Бухоро халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш алоҳида батальони ҳарбий хизматчилари зиммаларига юклатилган вазифаларни шараф билан бажариб келмоқдалар. Офицерлар таркиби, шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарларнинг касбий маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларни бемалол малакали мутахассислар, дейиш мумкин. Барчага ўрнак бўлаётган ана шундай осойишталик посбонларидан бири кичик сержант Улуғбек Холлиевдир.**




Сурхондарёнинг Термиз туманида туғилган Улуғбек педагогика коллежини тугатиб, муддатли ҳарбий хизматга чақирилди. У Термиз алоҳида батальонида йигитлик бурчини ўтаётганида профессионал ҳарбий хизматчи бўлишни ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйди. Мақсадини раҳбариятга билдиргач, намунали ходимни шартнома асосида хизматга таклиф қилишди.

Хизматни ўқчилик вазифасидан бошлаган лавҳамиз қаҳрамони касбига бўлган фидойилиги билан сафдошлари орасида ҳурмат қозонди. Шу боис кўп ўтмай катта ўқчи, кичик гуруҳ командири лавозимларида фаолият кўрсатди.

Кичик сержант Улуғбек Холлиев масъулиятли вазифада хизмат қилса-да, ҳали тажриба тўплаши, ўз соҳасининг билимдони бўлган устозларидан кўп нарса ўрганиши кераклигини ҳис қилиб туради. Бу борада устозларига суянади. Сабр-бардошлилиги, тиришқоқлиги, интилувчанлиги туфайли устозлари, ҳамкасблари ҳам ёрдамларини аяшмайди.

**У 2016 йилдан буён ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари Бухоро алоҳида батальонида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда ҳам кичик гуруҳ командири ва айни пайтда алоқа гуруҳида техника оператори лавозимида хизматини давом эттирмоқда.**

– Кичик сержант Улуғбек Холлиев тажрибали ходимларимиздан бири. У ҳар бир топшириққа масъулият билан ёндашади, ўз устида мунтазам ишлайди. Бўш пайтлари спорт билан шуғулланади, китоб мутолаа қилади. Сафдошлари уни ҳурмат қилишади, ундан ўрнак олишга интилишади. У ҳозирги карантин даврида блок постда хизмат олиб боряпти. Бу ерда автомашиналар қатновини назорат қилиш билан биргаликда ҳайдовчиларга доимо ҳушёр бўлишларини уқтириб келмоқда, – дейди батальон командирининг ўринбосари, майор Шерзод Ниёзов.

Фидойилик ҳеч қачон эътиборсиз қолмайди. Кичик сержант У. Холлиевнинг хизматлари муносиб баҳоланиб, у бир неча бор қўмондонлик томонидан рағбатлантирилган.

Инсон бахтининг тўкислиги оиласига ҳам боғлиқ. Улуғбек намунали оила бошлиғи. Турмуш ўртоғи Матлуба билан бирга уч фарзандни тарбиялаб вояга етказишмоқда.

Ҳаётда инсон юксак марраларни кўзлаб астойдил меҳнат қилса, албатта, унга етишади. Қуролли Кучларимиз сафида кичик сержант Улуғбек Холлиев каби интилувчан, ўз касбининг фидойилари қанча кўп бўлса, армиямиз шунчалик қудратли ва ҳамжиҳат бўлиб бораверади.

**Тоҳир АБДУВАЛИЕВ,**
**кичик сержант.**
*Бухоро вилояти.*



НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ

# ДОРОГА ПОЛНА НЕОЖИДАННОСТЕЙ

**Исмоил Артикбаев родился в городе Ширин Сырдарьинской области. Еще будучи юношей твердо решил – стану правоохранителем. Однако судьба поначалу распорядилась по-своему: в 2003 году он поступил в Бекабадский индустриальный техникум, а через два года встал в строй отдела охраны ОВД г. Ширин. В 2006 году И. Артикбаев пришел в подразделение безопасности дорожного движения областного УВД.**



**Инспектор ДПС УБДД УВД Сырдарьинской области младший сержант Исмоил Артикбаев. Награжден медалью «Шухрат».**

– Мое становление в службе проходило под наставничеством капитана Йулчи Шодиева – опытного сотрудника, не жалевшего времени для того, чтобы обучить меня тонкостям работы, – делится младший сержант И. Артикбаев. – Ему я благодарен за то, что был всегда рядом, давал дельные советы, помогал избежать досадных ошибок. На дороге необходимо быть предельно внимательным и собранным, принципиальным, иметь твердый характер. Сотрудники органов внутренних дел, обеспеченные самыми современными средствами, отныне имеют замечательную возможность работать в новых, более эффективных условиях. От этого и повышен уровень результативности, что напрямую влияет на дорожную безопасность.

Конечно, служба инспектора безопасности дорожного движения и опасна, и трудна, и по силам далеко не каждому. А потому в подразделении служат самоотверженные и талантливые сотрудники, один из них – герой нашего повествования. После нелегкого дежурства на трассе, полного неожиданностей и неординарных ситуаций, он возвращается домой, к семье – к супруге Шоисте и двум сыновьям – Нодирбеку и Ойбеку. Мальчики все чаще интересуются профессией, призванной оберегать мир и правопорядок. Быть может они в будущем пойдут по стопам отца, и, наверное, лучшего наставника, чем он, им не найти.

– Всем сердцем выражаю признательность уважаемому Президенту, руководству МВД и УВД области за доверие и высокую оценку моего труда, – говорит И. Артикбаев. – Награда подвигает меня на еще большую эффективную службу. Буду и впредь служить Отчизне и народу, на самом высоком профессиональном уровне выполняя поставленные задачи.

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**
*Сырдарьинская область.*

МЕРОПРИЯТИЕ



# МОГУТ ЛИ ЖУРНАЛИСТЫ БЫТЬ ПОСРЕДНИКАМИ В РАЗРЕШЕНИИ КОНФЛИКТА?

**Ответ на этот вопрос представители СМИ получили в ходе семинара по конфликт-чувствительной журналистике, проходившего в городе Самарканде в рамках проекта «Роль средств массовой информации в укреплении безопасности и стабильности в обществе», инициированного Центром переподготовки журналистов Узбекистана совместно с ЕС.**

В ходе мероприятия участники детально ознакомились с типологией понятий «терроризм», «экстремизм», «религиозный фундаментализм», говорили о значении в современном медиапространстве фактчекинга – всесторонней проверки достоверности сведений, представленных в инфопотоке. Была обсуждена также проблема противодействия деструктивным силам и течениям в вербовке людей через социальные сети.

Интерактивный семинар позволил журналистам получить ответы на вопросы от экспертов – представителя религиозной общины и специалиста Управления по борьбе с терроризмом и экстремизмом УВД области.

По словам капитана Шоислома Набиева, у террористических группировок, сект есть немало способов вербовки и удержания своих последователей, главный из которых – психологическое разрушение личности. Объектами вербовщиков чаще всего становятся молодые люди. Наша общая задача – поставить заслон на пути распространения «вируса» насилия, совместными усилиями оградить юношей и девушек от разрушительных идей, формирование у них идеологического иммунитета.

**Замира БАЛТАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**
*Самаркандская область.*



БЕЗОПАСНОСТЬ НА ТРАНСПОРТЕ

# ПАССАЖИРЫ В НАДЕЖНЫХ РУКАХ

**После объявления в нашей стране карантинных мер были ограничены международные авиарейсы, однако аэропорты продолжают свою деятельность.**



К примеру, в международный аэропорт «Фергана» с началом пандемии из Турции и Таиланда прилетели специальные чартеры, за истекший период 6 раз состоялись авиарейсы из различных городов Российской Федерации.

28 сентября 2020 года из московского международного аэропорта «Внуково» в страну прибыло 208, из города Санкт-Петербурга – 212 человек, 3 октября из аэропорта «Внуково» прибыло 208, из Санкт-Петербурга – 216, 6 октября из Санкт-Петербурга – 157, 8 октября – 189, в общей сложности 1 190 наших соотечественников.

Пассажиры этих авиарейсов – граждане страны, вернувшиеся на Родину. Их безопасность надежно обеспечивается сотрудниками Управления обеспечения безопасности на транспорте Ферганского областного УВД.

Сотрудники сферы ведут целенаправленную профилактическую работу в международном аэропорту «Фергана» по охране общественного порядка, раннему предупреждению преступлений и правонарушений, недопущению чрезвычайных ситуаций, совместно с медицинскими работниками и представителями санитарно-эпидемиологической службы осуществляют деятельность по недопущению распространения инфекционных заболеваний.

Изучается санитарное состояние каждого рейса, прилетевшие из-за рубежа граждане проходят медицинский осмотр.

– Международные аэропорты называют «воздушными воротами». Главной задачей является обеспечение безопасности тех, кто проходит через них, – говорит старший оперуполномоченный капитан Шохрух Хусанбоев. – Наши сотрудники самоотверженно выполняют возложенные на них обязанности, пассажиры выражают им свою благодарность. Доверие народа для нас является высшей наградой.

**Шухрат РАЙИМБЕРДИЕВ,**
**капитан.**
*Ферганская область.*

СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАРДА

# ЭЛ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛИШ БАХТИ

**Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида яшовчи Бахтиёр Туропов «Матиз»ини жиззахлик Нодирга сотди-ю, ўзига ташвиш орттирди. Чунки у пулнинг бир қисмини олган, қолганини Нодир ойма-ой тўлаб бериши керак эди. Аммо йигит ваъдасида турмади. Дастлаб турли баҳоналар билан тўловни кечиктирди, кейин унинг уяли алоқа воситасига тушиб бўлмай қолди. Жабрланувчининг Жиззах шаҳрига келиб, Нодирни топишга қаратилган уринишлари бесамар кетди.**



Воқеалардан хабар топган Бахтиёр Туроповнинг опаси Шоира Аҳмедова Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасига мурожаат қилди. Унинг аризаси асосида вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳамда Жиноят қидирув бошқармалари ходимлари томонидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилди. Маълум бўлишича, Нодир бошданоқ жабрланувчига фириб беришни режалаштирган. Хусусан, ўзи яшайдиган манзилни нотўғри кўрсатган. Бу ҳам етмаганидек автоулов қўлига тегиши билан уни бошқа бир фуқарога бериб юборган.

Ички ишлар органлари ходимлари автоуловни бир сутка ичида топишга муваффақ бўлишди. Хуллас, «Матиз» эгасига қайтарилди ва фирибгарга нисбатан тегишли чора кўрилди.

Шунга ўхшаш воқеа Андижон вилояти Булоқбоши туманида яшовчи тадбиркор Юлдуз Ғаффорова билан ҳам содир бўлди. Ишбилармон аёл жорий йилнинг февраль ойида Жиззах шаҳридаги йўл қурилиш корхонасига 11 минг 300 АҚШ доллари қийматида кўмир етказиб беради. Аммо тадбиркор пулининг 9 минггини ололди, холос.

Табиийки, Юлдуз Ғаффорова бу тўғрида корхона раҳбарига қайта-қайта мурожаат қилди. Натижа бўлмаганидан сўнг қарздорларни қидириб, Жиззах шаҳрига келди. Юзма-юз мулоқотлар самара бермагач, тадбиркор Жиззах вилояти ички ишлар бошқармасига мурожаат қилди.

Ушбу мурожаат асосида ўтказилган суриштирув ҳаракатлари давомида корхона масъулларига шартнома шартларини бажармасликнинг ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилди. Ўз навбатида қарз ўша куниёқ тўлаб берилди.

Ушбу воқеалар тафсилотларини Жиззах вилояти ИИБ Ташкилий бошқармасининг мурожаатлар билан ишлаш бўлинмасига жўнатилган миннатдорлик хатлари билан танишиш асносида билиб олдик. Бўлинмада бу каби юзлаб хатлар мавжуд. Мисол учун Зомин тумани Халқобод маҳалласида яшовчи Наргиза Юсупова 15 минг 700 АҚШ долларини фирибгардан қайтариб олишида кўмак кўрсатган ички ишлар органлари ходимлари тўғрисида илиқ фикрлар билдирган бўлса, Шароф Рашидов тумани Ҳаваслик маҳалласида яшовчи Мавлуда Орипова пандемия даврида оиласига иқтисодий ёрдам берган соҳа вакилларига раҳматнома ёзган.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, ички ишлар органларига қилинган ҳар қандай мурожаат соҳанинг мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаларида рўйхатга олинади, билдирилган муаммо ва масалалар ижрога қаратилади. Ҳал қилиш муддатлари белгиланиб, назорат остига олинади. Худди шундай, мазкур масалага шаҳар ва туманлар ички ишлар бўлимларида 2 нафар раҳбар ходим масъул этиб бириктирилган.

– Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ички ишлар бошқармасига 7 минг 266 та мурожаат келиб тушди, – дейди Жиззах вилояти ИИБ Ташкилий бошқармасининг мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси катта инспектори, катта лейтенант Зиёвуддин Исмоилов. – Фуқаролар бошқармамизга ёзма, оғзаки, уяли алоқа воситалари, электрон манзил ёки почта орқали мурожаат этишлари мумкин. Ҳар бир мурожаат мамлакатимизнинг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни ва мурожаат этувчи кўтарган масалага оид ҳуқуқий ҳужжатлар асосида кўриб чиқилмоқда. Яъни, мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида ўрганиш, кўтарилган масалага қонуний ечим топиш, бошқармамизга умид билан келган ҳар фуқарони рози қилиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Айни мақсадда ички ишлар органлари масъулларининг сайёр қабуллари уюштирилаяпти. Заруратга кўра аризачига мурожаат ижроси юзасидан хабарномалар йўлланаётир.

Жиззах вилояти ИИБ Ташкилий бошқармасининг мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси ходимлари томонидан ички ишлар органларига келиб тушаётган ариза ва шикоятлар мазмуни ва ҳудудийлигига кўра таҳлил қилиниб, жойларда юзага келаётган муаммоларнинг сабаб ва омиллари ўрганилаяпти. Шу асосда бажариладиган профилактик тадбирлар белгиланмоқда. Ишнинг бундай ташкил этилиши ички ишлар органларининг халқ орасидаги нуфузини ошириш учун хизмат қилаётир, десак адашмаган бўламиз.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Жиззах вилояти.*

ПАЙШАНБА – ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ КУНИ

# МАҚСАД – ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

**Эрталабдан Қарши шаҳар ИИОФМБда ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимлари, миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари жам бўлди. Бундан кўзланган мақсад «Пайшанба – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» доирасидаги тадбирларни намунали ўтказиш, пировардида, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, турли ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишдан иборат эди.**

Тадбирга жалб этилган соҳавий хизматлар, мутасадди ташкилот ва идоралар ходимларига хизматолди йўриқномаси берилгач, гуруҳлар белгиланган йўналишлар бўйича хизматга киришди.

Жиноят ва ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаб, уларнинг олдини олиш бугунги куннинг энг долзарб талабларидан биридир. Тажрибадан маълумки, бунинг учун, аввало, ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш, фойдали меҳнатга жалб этиш лозим.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Қарши шаҳар ИИОФМБ ҳовлисида вилоят ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси ташаббуси билан Бандликка кўмаклашиш маркази шаҳар бўлими билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Тадбирда қатнашган Қарши шаҳрида истиқомат қилувчи ички ишлар органлари пробация хизмати назоратида турган шахслар, айни пайтда иш билан банд бўлмаган фуқароларга мавжуд бўш иш ўринлари таклиф этилди. Эътиборли жиҳати, меҳнат ярмаркасида ички ишлар органлари пробация назоратида турган 10 нафар киши ишга жойлаштирилди.

Шу куни анча вақтдан буён ўзаро адоватда бўлиб келган Қарши шаҳар Шоҳбекат маҳалласида яшовчи қўшнилар Х.О. ва Б.Х. ўртасидаги можаро ҳам муҳокама этилди. Ҳолат сайёр судда жамоатчилик кўз ўнгида очиқ ўрганиб чиқилиб, кенг жамоатчилик вакилларининг фикр-мулоҳазалари тингланди. Икки ҳамсояга қилмишларининг ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилди. Ниҳоят, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган кайвониларнинг аралашуви натижасида улар муросага келди.

Шу куни йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун ЙПХ инспекторлари томонидан 1458 та автоулов ҳайдовчисига нисбатан маъмурий баённомалар тузилди. Ушбу ҳолатларнинг 459 тасини қўпол қоидабузарликлар ташкил этди.

Хуллас, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунида вилоят марказида бошқа бир қатор йўналишлар бўйича ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилди. Ички ишлар органлари ходимлари олдиларига қўйилган вазифаларни тўла-тукис уддалашди. Бунда кенг жамоатчилик вакилларининг кўмаги ва ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этди.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қашқадарё вилояти.*






ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# ФИДОЙИ ҲАМЮРТЛАРИМИЗ БОР БЎЛСИН





**Шу йилнинг 15 июль кунига ўтар кечаси Ромитан тумани Марказий деҳқон бозоридаги ательеда ўғрилик содир этилди. Воқеа жойига зудлик билан тергов-тезкор гуруҳи етиб келиб, ишга киришди. Лекин ўғри ҳеч қандай из қолдирмаган эди.**

Шу ерда ҳозир бўлган туман ИИБ бошлиғи, майор Шаҳоб Ҳайитов жиноят қидирув бўлими бошлиғига юзланиб деди:

– Сардоржон, эътибор берган бўлсангиз, бу ўғрилик ҳам илгариги усулда амалга оширилган. Ўғри анча устомон кўринади. Лекин минг пухталик қилмасин, барибир хатолиги бўлади. Ана шу хатоликни топинг. Бунинг учун видеокамералар ёзувларини ўрганиб, автомашиналар қатновини кузатинг.

Бир нарса чиқиб қолар...

Шундан сўнг майор Ш. Ҳайитов жиноят қидирув бўлими бошлиғи билан бозор атрофидаги ҳамда чорраҳадаги видеокузатув камералари ёзувларини кўздан кечира бошлади. Шунда тасвирлардаги «Матиз» русумли автомашина унинг эътиборини тортди. Чунки мазкур автомашина ўғрилик содир бўлишидан аввал ва кундузи икки-уч маротаба шу ҳудуддан ўтган экан. Шу боис Ш. Ҳайитов майор С. Атоевга айнан «Матиз»нинг эгаси кимлигини аниқлаш кераклигини тайинлади.

Майор С. Атоев ўша куниёқ бошлиқнинг топшириғини бажарди. «Матиз»нинг олд ғилдиракларидан бирининг «қалпоғи» йўқлиги унинг шубҳасини янада кучайтирди.

– Ўртоқ бошлиқ, прокурордан санкция олиб, машина эгасининг уйида тинтув ўтказсак, – дея таклиф билдирди у.

– Маъқул, – деди майор Ш. Ҳайитов.

Туман ИИБ бошлиғи «Матиз» ҳайдовчисидан шубҳаланиб адашмаган экан. Унинг ҳовлисида тинтув ўтказилганда, илгари ва кечаги ўғирланган нарсалар чиқди. Шунингдек, шу йили Бухоро шаҳридаги савдо дўконларида содир этилиб, очилмай келаётган иккита ўғрилик ҳам фош қилинди. Жабрланувчилар эса ўз буюмларини танишди.

Бу йилги пандемия шароитида кўпчилик уйда қолиб, ишсизликдан нималарни ўйлаб топмади дейсиз?! Ҳаттоки қиңғирлик кўчасига кирганлар, фирибгарлик, ўғрилик содир этганлар ҳам бўлди. Шунга қарамай, майор Ш. Ҳайитов томонидан ишнинг тўғри ташкил этилганлиги боис, туман ҳудудида қотиллик, оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, талончилик, босқинчилик, товламачилик, безорилик, қўшмачилик ҳамда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар содир этилишига йўл қўйилмади. Яна 11 нафар қидирувдаги шахснинг яшаётган манзиллари аниқланиб, улар қўлга олинди.

Бундан ташқари, майор Ш.Ҳайитов учинчи сектор раҳбари сифатида ўзига бириктирилган 12 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида ибрат олса арзигулик ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлари бор бўлган оилаларга давлат ҳамда ҳомийлар томонидан 13 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, нақд пул кўринишида доимий равишда ёрдам тариқасида берилмоқда.

Бугунги кунга қадар 651 та эҳтиёжманд оиланинг 497 нафар меҳнатга лаёқатли аъзолари «Темир дафтар»га киритилиб, шундан 493 нафари туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда ишга жойлаштирилди. Шунингдек, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури асосида кредит олиш истагини билдирган 154 нафар юридик ва жисмоний шахсга имтиёзли кредитлар ажратилди.

Сектор ҳудудидаги Тарнаут, Гулистон, Афросиёб маҳаллаларининг ички йўллари асфальт қилиниб, чироқлари янгиланди. Афросиёб ва Бобур маҳаллаларида тўрт қаватли замонавий уй-жойлар қурилмоқда. «Бобур» маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркор Ситора Ҳусеинова «Ромитан чеварлари» МЧЖни ишга тушириб, 50 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлади. Улар қўғирчоқ ишлаб чиқаришади. Ҳозирги кунда тадбиркор корхонада ишни икки сменада ташкиллаштиришни режалаштирмоқда. Бу режаси амалга ошса, қўшимча иш ўринлари яратилади.

Яқинда қаҳрамонимиз ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Майор Ш. Ҳайитов Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги байрами арафасида Президентимизнинг фармонига биноан «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

– Инсон она юрти, меҳнаткаш халқи, ёру дўстлари меҳридан доимо куч-қувват олиб яшайди, – дейди майор Шаҳоб Ҳайитов. – Мен ҳам ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, ҳамкасбларимнинг ва жамоамизнинг қўллаб-қувватлаши, аҳолининг ишончи туфайлидир. Бу юксак мукофотни ҳамкасбларим, жамоамиз хизматига берилган баҳо деб биламан. Бундан кейин ҳам жиноятчиликка қарши муросасиз курашишга, давлатимиз ва ИИВ раҳбариятининг менга билдирган ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Мақсадига қатъият билан интилган, Ватанини, халқини ва касбини чин дилдан севган инсонгина ҳаётда ўз бахтини топади. Бунга майор Ш. Ҳайитовнинг эришаётган ютуқлари мисол бўла олади. Ана шундай ғайрат-шижоатли, фидойи ҳамюртларимиз бор экан, мамлакатимиз тинч-осойишта, осмонимиз мусаффо бўлади.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Бухоро вилояти.*

# КАСБИДАН ОБРЎ ТОПСА КИШИ...

**Касбига меҳр қўйган инсон ўзининг фидокорона меҳнати ила обрў-эътибор, ҳурмат ва эҳтиромга эришади. Мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида ички ишлар органлари ходимларининг бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙҲХБ Йўл ҳаракатини ташкил этишни назорат қилиш бўлинмаси бошлиғи, подполковник Рашид Машариповнинг борлиги барча ҳамкасбларини чексиз қувонтирди.**





«Содиқ хизматлари учун» медалига сазовор бўлган лавҳамиз қаҳрамони 2003 йили болаликдаги орзусини амалга ошириш учун ички ишлар органларига ҳужжатларини топширишга қарор қилди. Ушбу ниятини отаси Юсуфбай Машариповга айтганида, падари бузруквори унга «Ўғлим, агар мақсадинг қатъий бўлса ҳаракат қил», дея оқ фотиҳа берди...

Синовлардан муваффақиятли ўтган Р.Машарипов Фарғона вилояти ИИБ қошидаги ўқув марказига ўқишга юборилади. Олти ой давомида дастлабки билим ва кўникмаларни эгаллаган ёш ходим ўзи туғилиб ўсган туманда профилактика инспектори лавозимида хизматни бошлади. Албатта, бу ердагиларнинг хулқ-атвори, яшаш шароитлари билан яхши танишлиги боис хизматни олиб бориш унчалик қийин бўлмади. Ўн йилга яқин ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида самарали хизмат қилиб, аҳоли ишончини қозонди.

Рашид Машариповнинг институтда таълим олган йўналиши бўйича хизмат қилиш нияти унинг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига ўтишига сабаб бўлди. 2012 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл назорати бўлимининг катта мутахассиси лавозимида хизмат фаолиятини давом эттирди.

У шу кунга қадар ўзига юклатилган вазифага масъулият билан ёндашиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган йўл белгиларини ўрнатиш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг фидокорона хизматлари бир неча маротаба эътироф этилиб, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ томонидан ташаккурномалар билан тақдирланган.

– Бугунги кунда республикамиздаги туман ва шаҳарлар инфраструктураси тубдан ўзгариб, ҳудудлар кенгайиши туфайли кенг ва равон йўллар барпо этилмоқда, – дейди подполковник Р.Машарипов. – Бундай жараёнларда йўл ҳаракатини тўғри ташкил этиш, йўлларнинг зарур белгилар билан жиҳозланиши ғоят муҳим саналади.

Бундан ташқари, автотранспорт воситалари сонининг йил сайин кўпайиб бориши йўлларда тирбандликнинг олдини олиш, ҳайдовчиларнинг белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этишини назорат қилиш, қоидабузарликларни аниқлаш ва уларга жазо тайинлашда замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланишни талаб қилаётир. Шу сабабли бошқарма томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 35 та жойга янги светофор ўрнатилди. Йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлиш эҳтимоли юқори бўлган Нукус шаҳридаги 9 та жойга, Тўрткўл туманида эса 1 та жойга замонавий видеокузатув камералари қўйилди. Пиёдалар серқатнов бўладиган жойларга эса пиёдалар йўлакчаларини чизиш, огоҳлантирувчи йўл белгиларини ўрнатиш ишлари амалга оширилди. Бунинг натижасида мазкур жойларда аввалги йилларга қараганда, йўл-транспорт ҳодисалари сони сезиларли даражада камайди. Жорий йилда ҳам бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Подполковник Рашид Машарипов касбдошларига ўрнак бўлиш билан бирга, оилада ҳам ўз ўрнига эга. Ҳозирда у турмуш ўртоғи Матлубахон билан 4 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқда.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

Postda На посту

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

**Бережное отношение к родному языку для узбекской интеллигенции всегда являлось духовным долгом и делом чести. Мы чтим наших прославленных предков – писателей, ученых, проявивших самоотверженность на пути сохранения и развития родного языка, выдвинувших идею возрождения нации через просвещение. Еще в 1913 году Махмудходжа Бехбуди в первом номере журнала «Ойна», редактором которого он являлся, выступил со статьей эту тему. Выдающийся педагог Абдулла Авлони заявлял о том, что «существование в мире каждой нации как в зеркале отражается через язык и литературу. Потерять национальный язык – значит потерять национальную духовность».**




# РОДНОЙ ЯЗЫК – СИМВОЛ НАЦИОНАЛЬНОГО САМОСОЗНАНИЯ





В сложный период тоталитарного строя, когда Узбекистан входил в состав бывшего Союза, различные силы старались лишить нас прежде всего родного языка, прекрасно осознавая, что именно в нем отражается нравственно-этический мир народа. Однако, несмотря ни на что, народ не только сохранил родной язык как олицетворение национальной гордости, но и, всесторонне развивая его, передал нынешним поколениям.



На пороге обретения Узбекистаном независимости, 21 октября 1989 года, благодаря политической воле руководства страны, твердой позиции широкой общественности, был принят Закон «О государственном языке», сыгравший решающее значение в судьбе народа. Узбекский язык обрел статус государственного, была подчеркнута его ведущая роль в возрождении национального самосознания. Он стал могучей мобилизующей силой, способной объединить народ на пути к великим целям.

За годы независимости в Узбекистане проделана масштабная работа по реализации норм Закона «О государственном языке», усилению его роли и значения. Кардинально расширилась сфера применения узбекского языка: он стал активно использоваться в политико-правовой, социально-экономической, культурно-просветительской, научной сферах. Учеными проведены фундаментальные, прикладные и инновационные исследования, направленные на развитие узбекского языка на научной основе, основательно разработан его терминологический корпус. Теоретические разработки по истории языка, фонетике, лексике, стилистике, диалектологии, другим отраслям лингвистики стали основой для солидных трудов, среди которых выделяется золотое сокровище – пятитомный толковый словарь узбекского языка, вобравший 80 тысяч слов и словосочетаний, широко употребляемых в литературном узбекском языке, научные, культурные, исторические, искусствоведческие и технические термины, а также диалектические слова. Заметно продвинулись сравнительная лингвистика, лингвокультурология – наука о том, как в речи отражаются особенности национального менталитета.





Большое внимание уделяется глубокому изучению государственного языка молодежью. В стране созданы творческие школы, названные в честь выдающихся писателей и поэтов. Это школы имени Мухаммада Ризо Огахи, Исхокхона Ибрата, Абдуллы Кадыри, Хамида Алимджана и Зульфии, Ибрайима Юсупова, Эркина Вахидова, Абдуллы Арипова, Халимы Худойбердыевой, Мухаммада Юсуфа.

Необходимо отметь, что за последние десятилетия полностью изменен подход к преподаванию языка, целенаправленно совершенствуются учебные пособия в соответствии с новыми педагогическими технологиями и методиками обучения. В частности, в образовательных учреждениях системы МВД Узбекистана осуществляется деятельность по профессиональному направленному обучению языку курсантов и слушателей. В целях воспитания молодого поколения в духе патриотизма, любви к родному языку с участием деятелей культуры регулярно проводятся духовно-просветительские мероприятия.

Узбекский язык распространяется по всему миру. Сегодня на нем говорят почти 50 миллионов человек. Его изучают в 60 университетах и более чем 100 школах США, Великобритании, Германии, Франции, Швеции, России, Украины, Китая, Японии, Южной Кореи, Индии, Турции, Афганистана, Азербайджана, Таджикистана, Казахстана, Туркменистана, Кыргызстана. Растет число зарубежных ученых, ведущих научные изыскания в области узбекского языка и литературы.

Узбекистан поднимается на новый, более высокий этап своего развития на основе главного принципа «От национального возрождения – к национальному прогрессу». В целях дальнейшего повышения авторитета узбекского языка в социальной жизни нашего народа и на международном уровне, обеспечения полноценного внедрения в стране государственного языка Президентом страны издан Указ «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка как государственного языка» от 21 октября 2019 года. Согласно указу в настоящее время осуществляется мониторинг за соблюдением законодательства о государственном языке, принимаются действенные меры по широкому его использованию во всех сферах социальной жизни, в том числе в государственном управлении, банковско-финансовой системе, юриспруденции, дипломатии, военном деле, в области информационных и коммуникационных технологий. Ведется целенаправленная работа по увеличению в стране и за рубежом количества центров, обучающих узбекскому языку.

Государственный язык выполняет важнейшую миссию: он объединяет представителей более чем 130 наций и народностей, проживающих в Узбекистане, служит интеграции происходящих в стране процессов, является духовным мостом, обеспечивающим мир и согласие в обществе. Отношение к государственному языку мы должны рассматривать как отношение к нашей независимости, преданность и уважение к нему – как преданность и уважение к Родине.

**Анвар КУРГАНОВ,**
**заместитель начальника кафедры изучения языков Академии МВД Республики Узбекистан, подполковник.**

ТРЕТИЙ СЕКТОР

# В ЦЕНТРЕ ВНИМАНИЯ – ИНТЕРЕСЫ ЧЕЛОВЕКА

**В нынешний период пандемии работа секторов по комплексному социально-экономическому развитию регионов приобретает особо важное значение. Приоритетное направление их деятельности – улучшение условий жизни населения, обеспечение занятости малообеспеченных, оставшихся без источника дохода граждан.**



В третий сектор Чимбайского района Республики Каракалпакстан входят МСГ «Гужимли», сходы граждан аулов «Бахитли», «Кизил-узак», «Майжап», «Пашентау». Здесь проживает 25,7 тысяч человек. На территории сектора функционируют объекты социально-бытового назначения, три сельских врачебных пункта, пункт медицинской помощи, 11 школ и 6 дошкольных образовательных учреждений.

Рабочей группой штаба сектора согласно разработанному плану осуществляются подворовые обходы.

– В ходе изучения на территории сектора выявлено свыше 70 проблем, на сегодняшний день 68 процентов из них разрешены. В сходах граждан аулов «Кизил-узак», «Бахитли», «Майжап» обеспечено водоснабжение населения. В СГА «Майжап», «Пашентау» налажена доставка баллонов с сжиженным газом, – говорит начальник районного ОВД подполковник Бекназар Шаханов. – Следует отметить, что главное внимание уделяется решению проблем малообеспеченных, одиноких лиц, а также лиц с инвалидностью. К примеру, гражданину А. Ерназарову выделены денежные средства для ремонта жилья, оказывается помощь в приобретении строительных материалов.



О проводимой в нынешних непростых условиях работе по поддержке малообеспеченных семей мы побеседовали также с секретарем штаба сектора майором Кошкинбаем Бердибаевым:

– Основная задача сегодня – обеспечение занятости населения. В разрезе махаллей организуется ежедневная работа по восстановлению деятельности предприятий при строгом соблюдении санитарно-эпидемиологических правил. Налажено ведение «железной тетради» по поддержке нуждающихся семей. С 16 июня текущего года информация о проделанной работе ежедневно вносится в электронную систему «Саховат аргос».

406 семей, проживающих на территории сектора, внесены в «железную тетрадь», 25 из них отнесены к категории крайне нуждающихся, 91 – к нуждающимся, 290 семей признаны временно нуждающимися. Из 1 779 социально нуждающихся граждан 524 трудоспособны, в настоящее время обеспечена занятость 501 гражданина. В результате постоянный источник дохода обрели 114 семей, согласно решению районного Кенгаша народных депутатов они исключены из «железной тетради».

Нуждающимся семьям оказана материальная помощь на общую сумму свыше 539 миллионов сумов.

Ранее семья Р. Жандаулетова, проживающая на территории МСГ «Гужимли», состояла на учете в качестве малообеспеченной. Семье оказано содействие в возведении теплицы облегченной конструкции.

– На протяжении многих лет я ездил на сезонную работу за рубеж, – делится Р. Жандаулетов. – В текущем году не смог выехать ввиду закрытия границ. Рассказал о своем семейном положении членам штаба сектора, они предложили мне возвести теплицу. Весной высадили в ней помидоры, огурцы, получили приличный доход. Зимой планируем выращивать зелень.

– Когда члены рабочей группы сектора пришли ко мне домой, я попросила оказать мне содействие в трудоустройстве, – говорит жительница СГА «Бахитли» Г. Байназарова. – Мне помогли, я устроилась на работу в фермерское хозяйство «Худайберган-Гулдана», расположенное недалеко от дома. Кроме заработной платы нам выдают выращенную здесь сельхозпродукцию.

С началом карантина 197 юношей, прошедших срочную военную службу и не имевших работу, трудоустроены в организации, предприятия района, а также фермерские хозяйства.

Работа штаба сектора продолжается.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**
**корреспондент «На посту».**
*Республика Каракалпакстан.*

ЧЕЛОВЕК И ЕГО ДЕЛО

# «СЛУЖБА МНЕ ПО ДУШЕ»

**Командира 2-й группы автомобильного взвода сержанта Санжара Алимова ценят за доблестный труд и многолетнюю безупречную службу.**



Санжар Алимов родился в городе Андижане. После прохождения срочной военной службы парень принял решение посвятить свою жизнь армии.

С 2000 года он служит по контракту. Последние несколько лет – в войсковой части № 7255 войск МВД по обеспечению безопасности в международном аэропорту «Андижан». За годы службы сержант С. Алимов воспитал ряд достойных учеников. Младшие сержанты Хурсандбек Солиев и Дилшод Ураимов, рядовые Рахмонберди Мамажонов, Носир Раимбеков и Азизбек Абдулхамидов служат вместе со своим наставником.



– Сержант Алимов является одним из лучших военнослужащих-контрактников, – говорит заместитель командира войсковой части по воспитательной работе майор Адиз Нарзиев. – Вверенная ему техника всегда находится в исправном состоянии и готова выехать по первой команде. От подчиненных требует бережного отношения к автомобилям. В эти дни вместе с личным составом 2-й группы он осуществляет профилактические мероприятия по переводу техники на осенне-зимний период.

В свободное время сержант Алимов проводит время в войсковой библиотеке, он любит читать книги об истории Узбекистана.

– Служба мне по душе, – делится Санжарбек Алимов. – Мне нравятся строгая воинская дисциплина, порядок, занятия по строевой и физической подготовке. Наше подразделение оснащается современной и модернизированной техникой. Вместе с тем, большое внимание уделяется социальной защите военнослужащих и членов их семей, созданию в военных городках социально-бытовых условий, отвечающих требованиям сегодняшнего дня, реализуются направленные на это комплексные программы. По решению командования войсковой части военнослужащим предоставляется благоустроенное жилье. Наша же задача – честно и преданно служить, обеспечивая мир и правопорядок в стране.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**
*Андижанская область.*

## ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ

**Янгиариқ тумани ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи ходимлари зиммасидаги вазифаларга масъулият билан ёндашиб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, қоидабузарликларга қарши курашиш бўйича қатор тадбирларни амалга оширишмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ЙПХ инспекторлари томонидан 7132 та қоидабузарлик аниқланган бўлса, шундан 6045 таси қўпол қоидабузарликлар, 99 таси эса маст ҳолатда транспорт воситасини бошқариш билан боғлиқ ҳолатлардир.**

# ҲУШЁРЛИК КУНДА КЕРАК

Бундан ташқари, туман ҳудудидаги автомобиль йўлларининг аҳволини ўрганиш бўйича олиб борилаётган текширувларда асосий эътибор йўлларнинг ҳолати, ёритилиши, йўл белгилари ва пиёдалар ўтиш йўлакчаларининг белгиланган талаб даражасига мослигига қаратилмоқда. Ўрганишлар бўйича туман автомобиль йўллари бошқармасига 12 та ёзма кўрсатма, 19 та тақдимнома ҳамда туман ҳокимлигига 15 та ёзма ахборот киритилди. Шу билан бирга, автомобиль йўллари инфратузилмасини ривожлантириш, ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш борасида 13 та янги йўл белгиси ўрнатилди. 109 та эскирган йўл белгиси таъмирланиб, 28 та йўналтирувчи устунча ўрнатилди. 6414 квадрат метр йўлнинг қатнов қисми замон талабига мослаштирилди. Айни кунда автомобиль йўллари, хиёбонлар, автошоҳбекатлар, бозор ва аҳоли кўплаб тўпланадиган жойларга ҳаракат хавфсизлигини тарғиб қилувчи паннолар, автомашиналар юқори тезликда ҳаракатланадиган ҳудудларга фоторадар макетлари, патруль машинаси муляжи, маёқчалар ҳамда йўлларнинг қатнов қисми яқинида жойлашган мактаблар олдига ўқувчи пиёда макетлари ўрнатилди. Булардан асосий мақсад йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдир.

**Мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган рейд тадбирларида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи 1124 та транспорт воситаси текширилиб, 288 та қоидабузарлик аниқланди. Қоидабузар ҳайдовчиларнинг автомашиналари вақтинчалик жарима майдончасига қўйилиб, уларга нисбатан белгиланган тартибда жазо чоралари кўрилди.**

Туман ҳудудида болалар билан боғлиқ бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқувчиларда қонун ва қоидаларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш мақсадида тумандаги 16-умумтаълим мактабида намунали ҳаракатланиш хавфсизлиги синфи ташкил қилинди ва тўлиқ жиҳозланди. Айни кунда бу ўқув масканида ЙПХ инспекторлари ўқув машғулотлари ўтказишяпти.

**Вилоят ИИБ ЙҲХБ ҳамда туман ИИБ ЙҲХГ ходимлари томонидан ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳушёрлигини ошириш, болалар иштирокидаги оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида Хўжалик маҳалласида йиғилиш ўтказилди. Унда ЙПХ инспекторлари, маҳалла фаоллари иштирок этиб, йўлларда ҳушёрликни ошириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.**

Ҳайдовчи ҳам, пиёда ҳам йўл ҳаракати иштирокчиси саналади. Шундай экан, йўлларда ҳаракатланаётганда зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис қилмоғимиз керак. Ана шунда йўлларимизда содир этилиши мумкин бўлган нохуш ҳолатларнинг олдини олган бўламиз.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*







**Суратларда: туман ИИБ ЙҲХГ ходимлари 16-умумтаълим мактаби ўқувчилари билан машғулот пайтида. Саъдулла АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.**

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТИЗИМИДА

# ҚЎШАЛОҚ ТАДБИР

**Навоий вилояти ИИБ Пробация ва жазони ижро этиш бўлими 4-сон ЖИЭКда ҳуқуқий тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Унда жазо муддатини ўтаётган шахсларга «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида тушунчалар берилди.**



Шунингдек, янги қонун ижроси бўйича жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг хавфсизлигини таъминлаш, масофали видео-учрашувларни йўлга қўйиш ва жазо муддатини ўтаётган шахсларни рағбатлантириб бориш бўйича қилинган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар тақдим этилди. Тарғибот тадбири давомида маҳкумларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарилди ҳамда уларнинг муаммолари бўйича мурожаатлари тингланиб, ижобий ҳал этилди.

Мазкур муассасада жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга нисбатан инсонпарварлик далолатномасини қўллаш масаласини кўриб чиқиш бўйича жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг сайёр суд жараёни ҳам бўлиб ўтди.

Суд жараёнида муассаса бошлиғининг тақдимномасига асосан ижобий тавсифланган жами 44 нафар маҳкумга нисбатан инсонпарварлик далолатномалари қўлланилди. Улардан 4 нафари жазодан шартли равишда озод этилди, 6 нафарининг ўталмай қолган жазо муддати ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилди, 34 нафари эса ўталмай қолган жазо муддатини ўташ учун манзил-муассасаларга ўтказилди.



# ҲОМИЙЛАР КЎМАГИДА





Пойтахтимизнинг Сергели тумани ички ишлар органлари пробация гуруҳи назорат остида шахслар 758 нафарни ташкил этади. Яқинда ўказилган тадбир аввалида улар билан суҳбатлар олиб борилиб, 536 нафарининг иш, яшаш ва ўқиш шароитлари ўрганилди. Муаммоси бор 36 нафар шахсга ҳомийлар кўмагида ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам берилди. Шунингдек, тузалиш йўлига ўтган, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб келаётган 16 нафар шахс жиноят ишлари бўйича Сергели туман судининг ажримига асосан ўталмаган жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинди. Шу билан бирга, жазо ўташдан қасддан бўйин товлаб келаётган 7 нафар шахснинг жазо тури оғирроқ жазо турига алмаштирилди.

Бундан ташқари, тадбир жараёнида корхона, муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорликда назоратдаги шахслар учун «Ишга марҳамат!» ярмаркаси, қайта касбга йўналтириш бўйича курслар ҳамда маданий тадбирлар ташкил этилди. Шунингдек, ижтимоий мослаштириш мақсадида назорат остидаги шахсларнинг психологик портрети тузилиб, уларнинг шахси ўрганилиб, қўйилган ташхисларга кўра ҳисобда турган маҳкумларнинг 489 нафари тўлиқ тузалиш йўлига кириб, соғлом турмуш тарзини кечирмоқда.

**Шаҳризод ШОКИРОВ,**
**ИИВ ЖИЭББ ахборот хизмати бошлиғи, лейтенант.**



СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАРДА

**Шукрки, биз хотин-қизлари эъзозланадиган, турли имтиёз ва имкониятлар билан қўллаб-қувватланадиган юртда умргузаронлик қиляпмиз. Бугун уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бундай ғамхўрликка муносиб жавоб бериш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида Бойсун тумани ИИБ томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётир.**



# НОЗИК ҚЎЛЛАР КИРЛАНМАСИН!

Хизмат фаолиятимизда профилактик тарғибот тадбирларининг кўлами ва натижадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Шу мақсадда тумандаги таълим муассасалари, маҳаллалар ҳамда корхона ва ташкилотларда ҳамкорликда эрта турмуш ва ноқонуний никоҳнинг олдини олиш, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, аёлларнинг бандлигини таъминлаш, шунингдек, оила-турмуш доирасидаги муаммолар, гендер тенглиги каби долзарб мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.



Йил бошидан бери хотин-қизлар томонидан келиб тушган мурожаатлар ўрганилиб, жисмоний, руҳий зўравонлик ва тазйиққа учраган 22 нафар аёлга ҳимоя ордерлари берилди. Бунинг натижасида оилалар тинчлиги сақлаб қолинди.

Дарвоқе, яқинда ходимларимиз бедарак йўқолган қизни топишга яқиндан ёрдам беришди. Воқеа тафсилоти эса бундай бўлган: Тошкент вилоятининг Тошкент туманидаги «Юнусобод» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи А.Х.исмли 19 ёшли қиз уйидан ҳеч кимга айтмасдан чиқиб, бедарак кетади. Бундан саросимага тушган қизнинг онаси ички ишлар органига мурожаат қилади.

Туманимиздаги «Ўрта Мачай» маҳалласида «Турмуш» тадбири ўтказилаётган вақтда ҳушёр ходимларимиз бедарак йўқолган қиз шу маҳалладаги аввалдан ўзига таниш бўлган фуқаронинг уйида яшаётганини пайқаб қолишади. Шундан сўнг қизнинг онаси ва яқин қариндошлари чақирилиб, у ўз оиласига соғ-саломат, бешикаст топширилди.

**Назира НОРМУҲАМЕДОВА,**
**Бойсун тумани ИИБ ҲПБ ҲҚМБ катта инспектори, капитан.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ




***Тил – олий қадрият. Тил – миллатнинг ўзига хослигини белгиловчи муҳим восита эканлиги ҳам, қимматини молу дунё билан ўлчаб бўлмайдиган хазина эканлиги ҳам рост.***

# ОНА ТИЛИМИЗ – ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Тил шундай бир хазинаки, у бой берилса, на миллат қолади, на давлат. Шу боис ҳам тилнинг борлиги – миллат барҳаётлигининг кафолати ҳисобланади. Қадимдан бир халқни қарам қилиш пайида бўлганлар ерини тортиб олиш билан чекланмаган, уларнинг тилини ҳам бўйсундиришга уринган. Сабаби аниқ: юртини йўқотган халқлар яна бир куни уни қайтариб олишлари ёки бошқа маконларда янгидан ватан барпо қилишлари мумкин, тарихда бунга мисоллар бисёр. Аммо тилини йўқотган халқлар ватанларидан ҳам айрилишга маҳкумдирлар.

Мутафаккир шоир Бахтиёр Ваҳобзода озарбойжон тилининг бошқа миллий тиллар каби эркин ривожланишига тақиқлар қўйилган даврларда лотин тилига бағишлаб бир шеър ёзган эди. Унда лотин тилида сўзловчи миллат гарчи йўқ бўлиб кетган бўлса ҳам, тили бошқа тиллар таркибида ёки бир қатор фанлар терминологиясида мудом яшаб келаётганлигини, аммо миллати мавжуд бўлгани ҳолда, тили йўқолиб бораётган қавмларнинг аянчли тақдири ҳақида сўз боради:

*«Мен озодман, бахтиёрман»*
*сўзларини*
*Ўз тилингда айтмоққа ҳам*
*Ихтиёринг бўлмаса гар,*
*Ким ҳам сени озод атар?*
*Сўзла, қандай озоддирсан*
Тор кулбада қолиб кетса
она тилинг?
*Неча улкан анжуманлар,*
*йиғинлардан*
*Гунгдай чиқсанг, ёниб дилинг.*
*Мажлисларда она тилинг*
*сўзи йўқдир,*
*Балки... унинг улкан, расмий*
*мажлисларга*
*Чиқмоқ учун тузи йўқдир?*
*Сўзла, балки сунъийдир у*
*Отасидан йўқ хабари?*
*Балки бу тил жуда ночор,*
*Оғушига сиғмагайдир*
*Буюк олам фикрлари?*

Бу шеърда тилга олинган даҳшатли давр ҳам ўтмишга айланди, аммо асоратидан батамом қутулиш мустабид тузум халқлари учун осон бўлмади.

Хусусан, мустақиллигимизнинг илк йилларидан миллат тафаккурини ўша асорат иллатидан озод қилиш ва чин маънода тили ва ўзини озод инсонга айлантириш ғоясига жиддий эътибор қаратилди. Уни қадрламаган, онадек, отадек севиб ардоқламаган инсон ўзини ҳар қанча ватанпарвар қилиб кўрсатмасин, барибир, унинг самимиятига ишониб бўлмайди. Ўз тили туриб, ўзга тилда мулоқот қилишни фазилат ва маданият белгиси деб билган кишиларнинг нафақат ватанпарварлиги, балки бутун ҳаёти ёлғон асосига қурилган бўлади.

Шу ўринда эътибор бериш керакки, «тил ва маданият», «тил ва маънавият», «тил ва миллат» тушунчалари бир-бирини тақозо қилувчи, бир-бирисиз мавжудиятини сақлаб қолиши душвор бўлган муқаддас тушунчалардир. Бошқа бир халқнинг маданиятига муккасидан кетган инсон табиий равишда унинг тилида фикрлайди ва яшаш тарзи ҳам, тафаккури ҳам ўша халқнинг маданиятига тақлиддан иборат бўлади. Ваҳобзода бундай инсонларни «маънавий муҳожирлар», деб атайди: «Ватанда яшаб туриб, унинг маънавий қадриятларига бегона бўлган, ўзлари мансуб бўлган халқнинг тилини, тарихини ва маданиятини билмаган, ёқтирмаган инсонлар ватанда яшаса ҳам, том маънода ватандош бўла олмайди, чунки улар маънавий муҳожирлардир!»



Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний:



«Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойинайи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмак миллат руҳини йўқотмакдур», дея бежиз айтмаган. Миллий руҳ йўқолмаслиги, келгуси авлодларга безавол етиб бормоғи учун ҳар бир халқ ўз она тилини асраб-авайлаши ва мунтазам ривожлантириб бормоғи лозим. Шундагина аждодлардан мерос миллий қадриятлар, ўлмас анъана ва бетакрор урф-одатлар тил орқали келажак авлодларга етиб боради. Бу мақсад рўёби учун тилимизнинг софлигини таъминлаш ва бойитиш йўлида ғайрат қилишимиз, олий қадрият даражасига кўтаришни фуқаролик бурчимиз, деб билмоғимиз шарт.

Атоқли тилшунос олим Низомиддин Маҳмудов ўзининг «Ўқитувчининг нутқ маданияти» китобида тилнинг миллат тақдиридаги ҳал қилувчи омил эканлигини шундай ифодалайди:

«Тил фикр ифодалаш, дунёни билиш, билим-тажрибаларни тўплаш, сақлаш ва кейинги авлодларга етказиш, миллий-руҳий муносабатларни акс эттириш, гўзаллик категорияларини воқелантириш каби бир қанча вазифаларни бажаради. Тилни фақат ва фақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси сифатида талқин этиш инсоннинг табиий тилини, бу бениҳоя мураккаб ва муҳташам ҳодисани, энг ками, жўнлаштиришдан, аниқ бир миллий қиёфа ёки миллий-руҳий заминдан мосуво бўлган сунъий тилга (масалан, эсперанто каби) тенглаштиришдан, йўл ҳаракатини тартибга солиш мақсадида яратилган шартли «тил»га баравварлаштиришдан бошқа нарса эмас».

Тил илмида «дунёнинг лисоний манзараси» деган тушунча бор. Ҳар миллат дунёни ўзича идрок этади. Тафаккур ва тахайюлидаги оламни сўзлар орқали ифода қилади. Сўзларга тўкилган дунё адабиёт бўлади, шеър бўлади, ҳикмат бўлади, миллатнинг абадиятга, сўнгсизликка алоқадорлигини кўрсатувчи қутлуғ далилларга айланади. Шунинг учун ҳам ҳамма замонларда тил ва адабиёт таълими миллий ғоя тарғиботининг асосини ташкил этиб келган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак. Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак».

Мамлакатимизда она тилимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда эмин-эркин қўлланилиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилди ва бу борадаги ишлар мунтазам давом этмоқда. Президентимизнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида шундай жумла бор: «Дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат аввало ўз халқининг миллий тили ва маданиятини асраб-авайлашга, ривожлантиришга интилади». Бу гапларнинг амалдаги исботини эса Юртбошимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи она тилимизда янграган пайтда ҳар биримиз ич-ичимиздан ҳис қилиб турдик. Бундан буён ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланилишига, халқаро анжуманларда буюк миллат тили сифатида баралла янграшига ишонч ҳосил қилдик.




Ўтган давр мобайнида ўзбек тилининг мавқеини тубдан оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди ва уларнинг ижроси бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу йилнинг 28 сентябрида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилишда давлат тилини билиш даражасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори бу борадаги ишларнинг тизимли олиб борилаётганлигини кўрсатади. Унда Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш жараёнида давлат тилини билиш даражасини аниқлаш механизмлари муфассал кўрсатиб берилган. Буларнинг бари халқимиз ардоқлаган қадриятларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътиборнинг ифодасидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўзини шу миллатга, шу юртга дахлдор деб билган жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ўзлигимиз тимсоли бўлган она тилимизни – маънавий ватанимизни кўз қорачиғидек асрашга масъулдир.

**Маъруфжон ЮЛДАШЕВ,**
**филология фанлари доктори.**

ВНИМАНИЕ: ПОДРОСТОК!

# Из дома просто так не убегают

**Бегство ребенка из дома, к сожалению, стало в наше время нередким явлением. Испуганные родители, близкие пропавшего обзванивают друзей, больницы, поднимают на уши родственников.**



Что же лежит в корне проблемы? В большинстве случаев – внутренний конфликт в семье. Он может протекать «бессимптомно», то есть без явных скандалов и выяснений отношений. Невозможность рассказать о накопившихся проблемах, спросить совета у взрослых или братьев и сестер – и есть внутренний конфликт. Он часто приводит к тому, что дети, в поисках понимания и стремлении найти выход из ситуации, попадают под пагубное влияние нехороших людей.

…Так произошло с 16-летним Виктором – прилежным мальчиком, с которым никогда не было проблем ни у близких родственников, ни в школе.

Виктор рано потерял маму. Папа, видимо, не выдержав ответственности, бросил своих детей. Мальчика воспитывали старшая сестра и бабушка. Проживали они все вместе в Сергелийском районе столицы.

Виктор ушел из дома 19 апреля 2020 года, после того как поругался с бабушкой, накануне дня ее рождения. Она прождала внука всю ночь, не сомкнула глаз, но он так и не вернулся. Искали Виктора 4 месяца.

После того как мальчик ушел из дома, он скитался по улицам, ночевал в подъездах, на скамейке в парке. Несколько дней спустя пришел к своему двоюродному брату и попросил его о помощи. Тот пустил его в дом, но поставил условие, что Виктор будет выполнять его поручения.

Двоюродный брат – близкий родственник. Почему бабушка не обратилась к нему, когда искала Виктора? Дело в том, что приютивший мальчика брат недавно вышел из мест лишения свободы. Виктор тянулся к нему, потому что ему не хватало мужского воспитания, и он подсознательно искал в нем отца.

Брат же решил использовать ребенка в своих интересах. Он заставлял Виктора собирать металлолом, баклажки и даже приворовывать. За это обещал мальчику деньги, а какой ребенок не хочет хорошо одеваться, иметь «крутой» телефон...

Все это могло закончится плохо, если бы сотрудники отдела организации профилактики правонарушений среди несовершеннолетних и молодежи УПП ГУВД г. Ташкента не нашли Виктора. Инспектора профилактики провели с Виктором воспитательную беседу и вернули его домой. Заместитель начальника УПП ГУВД столицы подполковник А. Очилов вместе с представителями ответственных организаций проведали подростка, подарили школьную форму, туфли, учебники и все необходимое для учебы.

Эта история – с хорошим концом. Но сколько детей теряются в этом большом мире, остаются без жизненных ориентиров, без внимания и любви взрослых! Поэтому хочется обратиться к вам, уважаемые родители: помните – детей надо любить. Воспитывая, напоминайте, что вы любите своего ребенка. Наказывая, обязательно объясняйте, в чем он провинился. Не думайте, что если вы закидываете его деньгами и подарками, значит, вы хороший родитель. Свое дитя можно потерять в одночасье и уже не найти…

**Елизавета КАРАЛИ.**
**Фото Фархода ПУЛАТОВА.**
**(Фото из архива.)**




В Управлении внутренних дел Кашкадарьинской области с участием заместителя начальника УВД подполковника У. Яхшиева состоялось совещание, в ходе которого были подведены итоги работы, проделанной за 9 месяцев текущего года инспекторами профилактики Камашинского, Яккабагского, Чиракчинского, Китабского, Шахрисабзского районных ОВД и ОВД города Шахрисабза, намечены мероприятия по проведению на территории области месячника борьбы с правонарушениями и совершенствования служебной деятельности.

**Информационная служба УВД Кашкадарьинской области.**

СОБЫТИЯ, ФАКТЫ

# УЗБЕКИСТАН ИЗБРАН В СОВЕТ ООН ПО ПРАВАМ ЧЕЛОВЕКА

**Делегаты Генеральной Ассамблеи ООН 13 октября избрали 15 новых членов Совета ООН по правам человека (СПЧ) на трехлетний срок, начиная с 1 января 2021 года. Впервые членом совета стал Узбекистан.**



Намерение быть избранным членом СПЧ Узбекистан озвучил на 37-й сессии совета в Женеве в феврале 2018 года. 22 июня 2020 года Президентом Шавкатом Мирзиёевым был подписан Указ «Об утверждении Национальной стратегии Республики Узбекистан по правам человека».

В состав СПЧ входят 47 государств. У группы восточноевропейских государств в этом органе 6 мест. У Азии и Африки – по 13, у Латинской Америки – 8 и у группы, объединяющей западноевропейские государства, США, Канаду и Израиль, – 7 мест.

От Азии на четыре освобождающихся места в совете претендовали пять стран: Китай, Непал, Пакистан, Саудовская Аравия и Узбекистан. Саудовская Аравия не прошла голосование. Узбекистан набрал наибольшее количество голосов в регионе – 169.

Совет по правам человека является органом Генеральной Ассамблеи ООН. Он собирается регулярно, не менее трех раз в год. Одна из его сессий является основной и длится 10 недель. Совет может проводить специальные чрезвычайные сессии по требованию одной трети его членов, в том числе для рассмотрения вызывающих тревогу ситуаций с правами человека в отдельных странах.

Члены Совета избираются на три года большинством голосов делегатов Генеральной Ассамблеи путем прямого тайного голосования. Они не имеют права на немедленное переизбрание после двух следующих друг за другом сроков полномочий. Они обязаны соблюдать высокие стандарты защиты прав человека.

***Радик ТУМПАРОВ,***
***корреспондент «На посту».***

БУГУННИНГ ГАПИ

# «МАСКА ТАҚИШ «МОДА» ЭМАС!»

**Кўча-кўйда кийим рангига мос ёки турфа гулли, нақшинкор матолардан тикилган, ҳатто мунчоқ ва турли ялтироқ тошлар билан безатилган ниқобларда юрганларга кўзимиз анча ўрганиб қолди. Бундай ниқоблар тиббий талабларга жавоб берадими-йўқми, бу энди алоҳида мавзу.**

Кейинги пайтда орамизда ниқобни иягига «қўндириб» юрганларга ҳам дуч келяпмиз. Бундай ҳолатларга кўпинча ичимизда «Эсидан чиқиб қолган бўлса керак, ҳа, майли», деб қўямиз. Аммо ҳозир баъзи ёшларнинг ниқобни юзига эмас, билагига худди «аксессуар»дек тақиб олиши урф бўляпти. Ниқобни бу тарзда олиб юришдан нима наф? Ё «Мана, менда ниқоб бор», деган маънодаги олифтагарчиликнинг бир кўринишими бу? Ахир, пандемия бугун бошлангани йўқ. Мана, етти ойдан буён коронавирус сўзи муомалада. Тождор вирус билан боғлиқ нафақат юртимиздаги, балки дунёдаги вазият, касалликка чалиниш ва тузалиш ҳолатлари бўйича бериб борилаётган кунлик маълумотларни ҳар биримиз эътибор билан кузатамиз. Бирор танишимиз шу хасталикка чалинганини эшитсак, албатта, шифо тилаймиз. Қолаверса, бугун коронавирус, карантин, ниқоб, антисептик воситалар нима деб, 3–4 ёшли болакайлардан сўраб кўринг, ҳаммасини бир бошдан тушунтириб беради. Бу билан нима демоқчимизки, карантин юмшатилгани билан касаллик ҳали мутлақо йўқ бўлиб кетмади, у бизнинг орамизда.







Тадқиқотларга кўра, ниқоб таққанда касаллик юқтириш эҳтимоли 1,8 баробар камаяркан. Биламизки, вирус нафас орқали, айниқса, йўталиш, гаплашиш чоғида ажралиб чиқади ва бу заррачаларни ниқоб яхши ушлаб қолади. Ниқоб орқали нафас олиш қийин эмас. Агар бирор турдаги ниқоб ноқулайлик туғдирса, бошқа материалдан тайёрланган ниқоб ва респираторлардан фойдаланиб кўриш керак. Баъзи инсонлар муайян материалга таъсирчан бўлиши мумкин. Оддий уч қаватли бир марталик ниқоб, кўп марталик, сертификатга эга ниқоб ва респираторлардан бирини танлаш лозим.

Демак, айрим ёшларнинг «Маска тақмасам ҳам бўлаверади», деган кайфиятга берилиб, ниқоб тақишни «замонавийлаштириш»ига ҳам ҳали эрта. Бугун ниқоб тақиш коронавирус пандемияси шароитида саломатликни асрашнинг бир зарурияти. Мантиқсиз «мода» сабаб саломатлигингизни хавф остига қўйманг.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

ЙЎЛ БОШИДА

# «КИТОБ ЎҚИШНИ ХОҲЛАМАСДИМ...»

**Назорат тарбиянинг бирламчи воситаларидан ҳисобланади. Таассуфки, жамиятимизда ота-оналарнинг эътиборсизлиги ва лоқайдлиги сабаб фарзандлар жабр чекаётган оилалар ҳам учраб туради. Уларнинг тақдирига ачинасан киши...**



– Оиладаги масъулиятсизлик воя-га етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ножўя хатти-ҳаракатлар содир этишига сабаб бўлмоқда, – дейди Навоий вилояти ИИБ ҲПБ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи, майор Ихтиёр Сулаймонов. – Болалар вақтини кўнгилочар масканларда эмас, ота-онаси бағрида, тарбия ўчоғининг меҳри тафтида, яқинлари даврасида ўтишини таъминлаш келажак авлод тарбиясидаги муҳим ва долзарб вазифадир. Тарбияланувчиларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантириш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, кўчаларда, ҳаёти, соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда улар томонидан такроран ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш бизнинг бурчимиздир.

Марказ тарбияланувчилари орасидан эндигина 13 ёшни қаршилаган карманалик М.Д.дан бу ерга келиб қолиш сабабини сўрадик.

– Оилада кенжа фарзанд эканлигим учунми, қайсарлик қилиб, ҳар доим ўз сўзимни ўтказишга ҳаракат қилиб келганман. Ота-онамнинг рухсатисиз пулларини ишлатиб юборардим. Бир куни улардан бесўроқ кўчага чиқиб кетдим, – дейди болаларча беғуборлик билан М.Д. – Бу ерга келгач, ота-онамни соғиндим. Тарбиячиларимнинг берган сабоқлари таъсирида хатти-ҳаракатларим хато эканлигини чуқур англадим. Ишонасизми, китоб ўқишни хоҳламас эдим. Катта тарбиячимиз Фазлиддин Ибрагимовнинг маслаҳатларига амал қилиб, 6 та бадиий асарни ўқиб тугатдим. Келажакда судья бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Тинимсиз ўқиб-изланишга ва мақсадимга эришишга, ота-онам орзусидаги тарбияли фарзанд бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

**Дилрабо АБДУҲАМИДОВА,**
**«Postda» мухбири.**

*Навоий вилояти.*





# BOLAJON SAHIFASI

## BARNO BILAN BUVISI

Barnoning buvisi:

– Bir qoshiq achchiqqina sho'rva qila qoling, kelin, – dedi.

Ovqat pishar mahalda nima ham bo'lib Barno oshxonaga kirgan edi, qozonga ko'zi tushib:

– Oyi, – dedi hayron bo'lib.

– Nima, qizim?

– Nega buvimning aytganlarini qilmadingiz?

– Voy, ana, – dedi oyisi. – Sho'rva qilyapman-ku.

Barno labini burib oyisiga qaradi:

– Buvim bir qoshiq sho'rva qilgin desalar, siz bir qozon sho'rva qilyapsiz-ku!

**Latif MAHMUDOV.**





**Mazkur so'zlarda harflarning o'rnini almashtirib, yangi so'zlar hosil qiling. Yordam tariqasida yangi so'zlarning bosh harfini ochiq ko'rsatamiz.**

Nuqul – q....
Savdo – s....
Kotib – k....
Jamol – m....
Temir – t....
Qobiq – b....
Iqbol – q....




## BOLALAR NEGA PARISHONXOTIR BO'LADI?

**O'quvchi bolalar orasida parishonxotirlari ham uchrab turadi. Shifokorlarning ta'kidlashicha, bola tez-tez yoki surunkali kasal bo'lishi parishonxotirlik sababchisi bo'lishi mumkin.**

Sog'lig'i zaif bola tez charchaydi, yengillashtirilgan vazifalar va kun tartibiga qat'iy rioyaga muhtoj bo'ladi. Maktab mashg'ulotlari, uy vazifalarini bajarish, turli to'garaklar va darsdan tashqari mashg'ulotlar o'quvchi bolaning ko'p qismini band etadi. Bunday tartibda u to'laqonli hordiq chiqara olmaydi. Natijada ish qobiliyati susayadi va parishonxotirlik, e'tiborsizlik yuzaga keladi. Ba'zida biror bir vazifa ustida diqqatini jamlay olmaydi, chunki bu uni qiziqtirmaydi.



Xo'sh, bola parishonxotirlikdan qutulishi uchun unga qanday yordam berish kerak? Bunday holatda diqqatni jamlashga yordam beradigan mashqlarni bajarish maqsadga muvofiq. Bunday mashqlar uning xotirasini mustahkamlaydi, esda qolishi kerak bo'lgan axborot hajmini oshiradi va e'tiborini bir necha vazifaga taqsimlashni o'rgatadi. Aytgancha, farzandingiz mashg'ulotlarni bajarish uchun o'tirganida siz shunday qilingki, yengil va og'ir vazifalar galma-gal kelsin. Ular orasida hordiq olish uchun ham vaqt ajratish kerakligini unutmang.

**Maktuba MA'RIFXONOVA,**
**o'qituvchi.**

## TOSHBAQANI QANDAY OSON CHIZISH MUMKIN?






**RASMDA SAKKIZTA FARQNI TOPING**



**Sahifa materiallarini Adolat FAYZIYEVA tayyorladi.**

# ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

## ПРОВОДИТСЯ РАЗЪЯСНИТЕЛЬНО-ПРОФИЛАКТИЧЕСКАЯ РАБОТА





Смягчение карантинных ограничений – необходимость, а не повод предаваться беспечности, игнорируя установленные правила для защиты от опасного вируса. Ситуация с пандемией COVID-19 все еще остается напряженной. Гражданам для сохранения своего здоровья и здоровья окружающих необходимо правильно носить маски, регулярно мыть руки с мылом, пользоваться антисептическими средствами. Об этом вновь и вновь подчеркивается военнослужащими Управления Национальной гвардии по Джизакской области и работниками санитарно-эпидемиологической службы в ходе совместных мероприятий, проводимых на рынках, в торговых центрах, объектах бытового обслуживания населения.

Данные мероприятия направлены на предупреждение распространения инфекции, повышение ответственности граждан за соблюдение санитарно-эпидемиологических правил.

* * *



Аналогичная работа проводится Управлением Национальной гвардии по Хорезмской области. В целях обеспечения соблюдения санитарных правил и гигиенических нормативов при транспортировке, хранении и реализации пищевого сырья и продуктов питания проводятся профилактические беседы с владельцами торговых точек, гражданами, работающими на дехканских рынках.

Кроме того, выявляются граждане, расхаживающие по территории рынков без медицинских масок или с приспущенной маской. С ними проводится разъяснительная работа, а в повторных случаях к ним принимаются меры правового воздействия за нарушение законодательства в сфере санитарно-эпидемиологического благополучия.



## ДИСТАНЦИОННЫЕ КУРСЫ

По инициативе Управления охраны Национальной гвардии Республики Узбекистан в территориальных подразделениях организованы двухнедельные дистанционные курсы повышения квалификации военнослужащих.



К проведению занятий, проходящих в Управлении охраны Национальной гвардии Андижанской области, привлечены квалифицированные специалисты. В ходе обучения военнослужащие совершенствуют профессиональные знания по специальным дисциплинам для успешного и качественного выполнения служебных задач.



## О МУЖЕСТВЕ, О ПОДВИГЕ И СЛАВЕ

Изучение истории Родины формирует патриотические чувства, гордость за национальных героев, самоотверженно сражавшихся во имя независимости и свободы Отчизны, пробуждает готовность к исполнению гражданского долга по ее защите.



Для учащихся специализированного класса с военным уклоном школы № 58 Юнусабадского района столицы, закрепленного за Управлением Национальной гвардии по городу Ташкенту, была организована экскурсия в Парк Победы.

Школьники осмотрели комплексы и художественные композиции, рассказывающие о Второй мировой войне, ознакомились с богатой экспозицией Музея славы, повествующей о мужестве узбекистанцев, проявленном на полях сражений и в тылу.









## ПЕРВЕНСТВО ПО ТРИАТЛОНУ

В Кашкадарьинской области состоялось областное первенство по триатлону среди сотрудников Национальной гвардии. В соревнованиях, требующих физической выносливости и скорости, участники индивидуально и в составе команд преодолели установленную дистанцию заплыва, езды на велосипеде и бега.

В состязании в общекомандном зачете неоспоримое лидерство было за сотрудниками Управления охраны. Они стали обладателями победного кубка. Призеры и активные участники соревнований награждены дипломами и памятными подарками.

**Материалы полосы подготовила рядовая Нафосат ЗАФАРОВА.**

ЕСТЬ ТАКАЯ СЛУЖБА

# ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧАЮТСЯ, ПРИНИМАЮТСЯ МЕРЫ К ИХ РАЗРЕШЕНИЮ



**Сотрудники ОМиОГ ОВД Багатского района Хорезмской области совместно с инспекторами профилактики и представителями общественности контролируют соблюдение гражданами правил паспортной системы.**

За истекший период текущего года на территории района в ходе соответствующих мероприятий выявлено 419 граждан, не соблюдавших правила паспортной системы. Они привлечены к административной ответственности в установленном порядке.

Граждане должны знать и неукоснительно соблюдать установленные требования, касающиеся документов, удостоверяющих личность. Люди, нарушающие их, оказываются в затруднительном положении, где бы они не находились – на Родине или за рубежом.

В нынешнем году 31 гражданин, находясь за границей, утерял паспорт, у 3-х лиц паспорта пришли в негодность, один гражданин въехал в страну на основании справки о возвращении на Родину, выданной посольством Республики Узбекистан. С данными лицами в установленном порядке проведена профилактическая работа.

– Для плодотворной службы сотрудников в здании отделения осуществлен ремонт, установлены современные компьютеры и средства связи, – говорит начальник ОМиОГ районного ОВД капитан Азизбек Уринов. – В целях создания удобств для граждан оборудованы дополнительные кабинеты.

В нашей стране приоритетной задачей государственной политики является обеспечение прав и интересов человека. Это проявляется в частности и в том, что десятки лиц получают гражданство Узбекистана. За прошедшие годы 21 проживающее на территории района лицо без гражданства, а также иностранные граждане приняты в гражданство Республики Узбекистан.

– Прошло много лет с тех пор, как я вышла замуж и переехала из Туркменистана в Узбекистан, – говорит работница фермерского хозяйства «Нурберди угли Ражаббой», жительница махалли Калъажик калъа Барножан Сейитмамедова. – Согласно Закону Республики Узбекистан от 13 марта текущего года я принята в гражданство Узбекистана. Это важное событие в моей жизни, обязывающее к плодотворному труду, воспитанию детей достойными гражданами страны.

В рамках Дня профилактики правонарушений в махаллях, на предприятиях и в учреждениях проводится разъяснительная работа по вопросам, касающимся паспортной системы, соблюдения правил, установленных для приграничных территорий, приобретения гражданства Республики Узбекистан. Проблемы, озвучиваемые населением в ходе таких мероприятий, детально изучаются, принимаются меры к их разрешению во взаимодействии с соответствующими организациями.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**корреспондент «Postda».**

***На снимке:*** *капитан А. Уринов с сотрудником отделения А. Жуманиёзовым.*

**Фото Саъдуллы АБДУЛЛАЕВА.**
*Хорезмская область.*

АСПЕКТ ПРОФИЛАКТИКИ

# Не ослабляя бдительность

**Гофуржон Курбонов – владелец продуктового магазина, расположенного на территории зоны отдыха «Богишамол», торговал допоздна. Домой добираться было далеко, поэтому он решил заночевать в магазине. Правда, забыл закрыть на замок входную дверь. Этим воспользовался злоумышленник. Проникнув в помещение и заметив, что продавец крепко спит, он украл около 3,5 миллиона сумов, несколько блоков сигарет и продукты питания.**

Проснувшись, Гофуржон Курбонов понял, что ночью в магазине побывал незваный гость, и сразу же обратился с заявлением в ОВД № 5 УКД ОВД по г. Андижану. На место происшествия немедленно выехали старший инспектор профилактики подполковник Фазлиддин Шокиров и оперуполномоченный группы уголовного розыска лейтенант Фирдавс Шарофиддинов. Они просмотрели записи с камер видеонаблюдения, расположенных на соседних торговых точках. На одном из кадров было запечатлено лицо злоумышленника. Распечатав изображение, Ф. Шокиров и Ф. Шарофиддинов стали опрашивать владельцев магазинов и работников зоны отдыха. Один из них опознал незнакомца.

– Это же Исмоил, – уверенно сказал он. – Парень работает оператором детской карусели.

Подозреваемый в совершении кражи Исмоил А. был задержан. В подсобном помещении сотрудники обнаружили украденные деньги, сигареты и продукты питания. Следствие в отношении Исмоила А. недавно закончено и передано на рассмотрение суда по уголовным делам.

– Это единственное преступление, зафиксированное на вверенной территории с начала текущего года, – говорит начальник ОВД № 5 УКД ОВД по г. Андижану подполковник Азизбек Тургунов. – Личный состав отдела обслуживает махалли Богишамол, Боги эрам, Янги хаёт и Буюк ипак йули, в которых проживают более 15 тысяч человек. На территории расположены базар автозапчастей и зона отдыха «Богишамол».

Территориальные инспектора профилактики – капитаны Искандар Ганиев, Жахонгир Хаитов и Элёр Солиев проводят под руководством старшего инспектора профилактики подполковника Фазлиддина Шокирова профилактические мероприятия, в ходе которых беседуют не только с местными жителями, но и гостями вновь открывшейся зоны отдыха.

Подполковник Фазлиддин Шокиров органах внутренних дел с 2001 года. 16 лет служил инспектором профилактики ОВД г. Андижана, 3 года – старшим инспектором профилактики в отдаленном Улугнорском районе. За хорошие показатели ему было присвоено специальное звание «подполковник». Когда его назначили старшим инспектором профилактики в ОВД № 5, офицер стал изучать слабые и сильные стороны вверенной территории. Быстро освоившись на новом месте, он организовал работу территориальных инспекторов так, что не осталось «слабых» участков. Благодаря этому в махаллях царят мир и покой.

Подполковник Ф. Шокиров – наставник молодежи. Его ученики сегодня служат в различных подразделениях. К примеру, капитан Фарход Нажимов – старший оперуполномоченный Управления по борьбе с коррупцией УВД Андижанской области, капитан Искандар Ганиев и старший лейтенант Икбол Абдувалиев – инспектора профилактики.

– Я стал настоящим сотрудником благодаря помощи наставников, – говорит старший инспектор профилактики подполковник Фазлиддин Шокиров. – Подполковники Содикжон Нишонов, Соибжон Юлдашев и майор Фарход Муллабаев щедро передавали мне свой жизненный и служебный опыт, открывали секреты профилактической работы. Я им за это благодарен.



**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**

***На снимке:*** *старший инспектор профилактики подполковник Ф. Шокиров беседует с жителем махалли Боги эрам Камалдином Хасановым.*

**Фото автора.**
*Андижанская область.*

ТЕРГОВНИ БИЛИМДОНЛАР ОЛИБ БОРАДИ

# ФИРИБГАР АЁЛНИНГ МАКРИ

**«Айёрлик билан фирибгарликнинг ораси бир қадам, биринчисидан иккинчисига ўтиш жуда осон: айёрликка ёлғон қўшилса, тап-тайёр фирибгарликдир», деб ёзган эди француз ёзувчиси Жан де Лабрюйер. Дарҳақиқат, текин даромадга эга бўлиш, меҳнатсиз бойлик орттириш фирибгарларга хос бўлган хусусият. Улар содда, ишонувчан, етарли ҳуқуқий билимга эга бўлмаган кишиларни ўз «тузоғи»га илинтириб, мўмайгина даромадга эга бўлишади. Ҳаром луқма ейишга одатланган бундай кимсалар орасида биринчи гуруҳ ногирони бўлган аёлнинг борлиги кишини таажжублантиради.**





Урганчлик Матлуба (воқеа иштирокчиларининг исмлари ўзгартирилди) ана шундай кимсалардан бири. У жиноят содир қилгунга қадар тумандаги «Шаҳриёрбек Матлубахон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида ишлаган. Шу ўринда бу аёлнинг умр йўлини тафтиш қилиб ўтирмасдан, содир этган жиноятларига тўхталиб ўтсак.

Туман ҳокимлиги биноси олдида Матлуба билан танишиб қолган Анвар тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ер майдони олиб беришда ёрдам беришини сўрайди. Матлуба унинг ишончига кириб, аслида ўзига тегишли бўлмаган, тумандаги «Комилжон-Камрон» фермер хўжалиги ҳудудидан ер майдони олиб беришга ваъда беради. Бу «хизмати» эвазига 14 минг АҚШ доллари сўрайди. Фирибгарнинг ваъдаларига учган Анвар жорий йилнинг май-июнь ойларида келишилган суммани унга қўшқўллаб тутқазади. Айёрликда катта тажрибага эга бўлган маккора аёл берган ваъдасини шу заҳотиёқ унутиб, фирибгарлик билан қўлга киритган пулларни ўз эҳтиёжига ишлатиб юборади.

Вақт ўтиши билан Анвар Матлубани излаб топиб, қачон ер майдони ажратиб берилишини сўрайди. У эса фермер рози бўлмаяпти, деб Анварни алдаб юради. Ҳатто ўзини фермернинг хонадонига боргандек кўрсатиб, аслида қўшниси бўлган Шариф аканинг хонадонига кириб чиқади. Биринчи гуруҳ ногирони бўлган аёлнинг минг бир азоблар билан ҳаракатланишини кўрган Анвар яна унга ишониб юраверади.

– Аслида жиноятчилар, айниқса, фирибгарлар доим сувдан қуруқ чиқишга, айбини тан олмасликка, жабрланувчиларни айбдор қилишга уринади, – дейди Урганч тумани ИИБ ҳузуридаги тергов бўлинмаси терговчиси, капитан Жалолбек Бобожонов. – Аммо тергов давомидаги савол-жавоблар пайтида уларнинг фикрида иккиланишлар, чалкашликлар, аввалги кўрсатмаларини инкор этиш ҳолатлари учрайди. Гувоҳларнинг кўрсатмаларидан сўнг эса анчагина шаштидан тушиб қолишади ва қилмишига иқрор бўлишдан бошқа чора топа олишмайди. Матлуба ҳам аввалига қилмишига иқрор бўлмади. Инкор этиб бўлмас далиллардан сўнггина жиноятга қўл урганини тан олди.

Маҳоратли терговчи, капитан Жалолбек Бобожонов тергов жараёнида Матлубанинг бошқа бир жиноятга ҳам алоқаси борлигини аниқлади.

Тадбиркорлик билан шуғулланувчи урганчлик А. Ислом ҳам бу маккора аёлнинг «тузоғи»га илинди. У фирибгарнинг пуч ваъдаларига ишониб, дўкондан жами баҳоси 3 миллион 891 минг сўмлик «Artel Led» русумли телевизор ҳамда бошқа техника ускуналарини 9 ой давомида бўлиб тўлаш шарти билан бериб юборади. Сотувчи билан харидор ўртасидаги келишилган муддат ўтса-да, Матлубадан дарак бўлмайди. Ислом унинг ногиронлигига ачиниб, яна бир неча ой кутади. Афсуски, харидор ваъдасида турмайди. Шундан сўнг у аёлга қўнғироқ қилиб, ҳақини талаб қилади. Маккора аёл эса ногиронлигини рўкач қилиб, яна бир ой кутишни, қарзини албатта қайтаришини айтади. Кутишдан тоқати тоқ бўлган сотувчи яна унинг эшигини қоқади. Елиб-югуришлар эвазига зўрға 1 миллион 200 минг сўм пулни ундиради, холос.

Хуллас, ички ишлар органлари ходимлари қалби макр ва ҳийлага тўла фирибгар аёлнинг жиноий фаолиятига якун ясади.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Хоразм вилояти.*

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

# ЗЎРАВОН ҚЎРИҚЧИ

**Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида истиқомат қилувчи Алишер аканинг (исмлар ўзгартирилди) оиласига кўпчилик ҳавас қиларди. Турмуш ўртоғи Фотима опа билан бир ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказди. Қизи Дурдонахон олий ўқув юртида таҳсил олиб, ҳаётда ўз ўрнини топди. Бироқ ўғли Фаррух бирор касбнинг бошини ҳам тутмади, кўчадан бери келмай, тараллабедод қилиб юраверди. Ниҳоят, ота-онасининг қистови билан шаҳардаги тунги клубларнинг бирида қўриқчилик қила бошлади. Бу ерда бироз ишлаган йигит мижозлардан бирини уриб, унга тан жароҳати етказиши туфайли суднинг қора курсисига ўтириб чиқди.**




Шундан кейин ҳам хатосидан тўғри хулоса чиқармаган Фаррух ота-онасини ҳолдан тойдиради. Қариндошларининг танбеҳларига ҳам қулоқ осмайди. Яқинларидан кўчани афзал биладиган йигит энди бошқа бир тунги клубда соқчилик қила бошлайди.

...Шу йилнинг февраль ойи ўрталари эди. Синфдоши Зокирнинг туғилган кунини нишонлаш учун кафега келган Сарвар, Шоҳруҳ, Илҳом ва Азаматлар ўйнаб-кулишади. Кутилмаганда Илҳомнинг акаси Мансур қўнғироқ қилиб, Зокирни табриклаш учун келганини, лекин эшик олдидаги қўриқчилар «ичкарида жой йўқ» дея, уни киритишмаётганини айтади. Бундан норози бўлган Сарвар ва Илҳом тезда ташқарига чиқишади.

– Бу менинг акам, уни ичкарига киритинг, – дейди Илҳом.

– Ичкарида жой йўқ, – дейди ўдағайлаганча унинг гапларига жавоб қайтарган Фаррух.

– Олдимизда жой бор, у биз билан ўтиради.

– Сен кўп гапирма, нима қилишни ўзим биламан! – дейди қўриқчилигини пеш қилган Фаррух.

Шундан сўнг улар бир-бирининг ёқасини ушлаб, икки ўртада муштлашув бошланади. Рақибидан анча бақувват бўлган Фаррух уни йиқитиб, танасининг турли жойларига уриб, тепади. Зўравонни жабрланувчидан кафенинг иккинчи қўриқчиси зўрға ажратиб олади. Калтаклар таъсирида тоби қочган Илҳомни эса, акаси ва шериклари касалхонага олиб кетишга мажбур бўлишади.

Мазкур воқеадан хабар топган жабрланувчининг ота-онаси ҳуқуқ-тартибот идорасига мурожаат қилишади. Қўриқчининг қилмишлари батафсил ўрганилиб, суд томонидан унга қонуний жазо берилади.

Суднинг қора курсисида ўтирган Фаррухга охирги сўз берилганида, у ҳозиргача қилган барча ишларидан қаттиқ пушаймонлигини таъкидлади. Шояд, у қилмишларидан тўғри хулоса чиқарган бўлса.

**Ойбек ҲАЙИТОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани суди судьяси.**
**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

БЕЛЛАШУВ

# АҚЛ ВА ХОТИРА БАҲСИ





**ИИВ таркибий бўлинмалари ходимлари Бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан тизимда хизмат қилаётган хотин-қизлар ўртасида спортнинг шахмат ва шашка турлари бўйича мусобақа бўлиб ўтди.**



Ички ишлар вазирлигининг ёпиқ спорт залида ўтказилган ақл ва хотира баҳсида иштирокчиларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида гигиена талабларига тўлиқ риоя этилди. Беллашув Ўзбекистон Республикаси Шахмат ва шашка федерациясининг қоидалари асосида юқори савияда ташкил этилди. Мусобақада ИИВ марказий аппарати соҳавий хизматлари, Жазони ижро этиш, Қоровул қўшинлари ва Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармалари, Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари, ИИВ Академияси, Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернати, шунингдек, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ вакилларидан иборат жамоалар ўзаро куч синашди.

Якуний натижаларга кўра, шахмат бўйича ИИВ ЖИЭББ ходими, капитан Д. Султонова биринчи, ИИВ Академияси шарафини ҳимоя қилган капитан М. Қосимова иккинчи ҳамда ИИВ Ташкилий департаменти юридик таъминлаш бошқармаси бўлим бошлиғи, майор С. Джолдасова ва ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари кичик назоратчиси, кичик сержант Н. Норбоева учинчи ўринни қўлга киритди.



Мусобақанинг шашка тури бўйича ИИВ ЖИЭББ бошқарма канцелярия бошлиғи, кичик сержант Д. Самиковага тенг келадигани топилмади. ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари кичик назоратчиси, кичик сержант С. Мирзаева ҳамда ИИВ ихтисослаштирилган мактаб-интернати мусиқа фани ўқитувчиси Н. Нусратова ва ИИВ ҚҚББ 7534-ҳарбий қисм канцелярия катта техниги, кичик сержант З. Тошматова кейинги ўринларни эгаллашди.

Ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросимида ИИВ Кадрлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, подполковник Умид Нуриллаев сўзга чиқиб, иштирокчи ва ғолибларни қутларкан, келгуси хизмат фаолиятларига омад тилади.

Мусобақа ғолибларига диплом, шунингдек, барча иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Абу КЕНЖАЕВ,**
**«Postda» фотомухбири.**
**Муаллиф олган суратлар.**

БИЛАСИЗМИ?

# ИССИҚҚИНА ҲАММОМ, КЕЙИН МУЗДЕК ДЕНГИЗ...

АҚШнинг Алькатрас турмаси режимининг қаттиқлиги билан бутун дунёга ном қозонган. Бир пайтлар ушбу қамоқхонанинг яна бир ўзига хос жиҳати бўлган. Бу ерга келтирилган маҳкумларга иссиққина ҳаммомда чўмилиш таклиф қилинган.

Сиз буни озодликдан маҳрум этилганларга кўрсатилган ғамхўрлик деб ўйламанг. Гап бошқа ёқда. Агар билсангиз, турма Сан-Франциско бўғозидаги оролда жойлашган. Атрофида денгиз тўлқинлари пишқириб туради.

Ҳойнаҳой, ушбу тартибни жорий этган турма бошлиғи яхшигина руҳшунос бўлган кўринади. У иссиққина ҳаммомда ювиниб чиққан маҳкум қочиш учун муздай денгиз сувига шўнғишни хоҳламаслигини жуда яхши тушунган.





## УЙИНГИЗНИНГ ҲАВОСИ ТОЗАМИ?

Биз кўпинча катта шаҳарларнинг ҳавоси нотозалигидан нолиймиз. Саноат корхоналаридан ажралиб чиқадиган турли газлар, автоуловларнинг тутунлари ҳавони ифлослантириши тўғри. Лекин баъзан хонадонингизнинг ҳавоси кўча ҳавосидан кўра зарарлироқ бўлиши мумкин.

Негаки, хонаки гуллардан зарарли органик моддалар тарқалади. Бунинг устига турли-туман бўёқларнинг, кимёвий кир ювиш, тозалаш воситаларининг зарарли ҳидлари қўшилади. Баъзан янги қурилган уйларнинг ҳавоси эски иморатларникига қараганда зарарлироқ бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун хоналарни тез-тез шамоллатиб туринг.

БУ – ҚИЗИҚ



## ЭРКАЛАСАМ МАЙЛИМИ, БАРОҚВОЙ?

Уй ҳайвонлари билан мулоқот стресс ҳолатини камайтирар экан. Вашингтон университети олимлари шундай хулосага келишди. Бунга қуйидаги тажриба асос бўлди.

Тадқиқотчилар талабаларни дастлаб тўрт гуруҳга бўлишди. Биринчи гуруҳ аъзолари итлар ва мушукларни 10 дақиқа давомида эркалашди. Иккинчи гуруҳдагилар бу жараённи кузатиб туришди. Учинчи гуруҳдагилар фақат жониворларнинг суратларини томоша қилиш билан чекланишди. Тўртинчи гуруҳдаги талабалар бўлса шуни ҳам ўзларига эп кўришмади.

Тажриба сўнгида иштирокчиларнинг организмидаги стресс гормони (кортизол) миқдори ўлчаб кўрилди. Буни қарангки, биринчи гуруҳ талабаларида картизол кескин камайганлиги маълум бўлди. Иккинчи гуруҳ аъзоларида ҳам ушбу гормон сезиларли даражада камайган эди. Учинчи ва тўртинчи гуруҳдагилар организмида эса унинг миқдори ўзгаришсиз қолганди.

**Бобомурод ТОШЕВ тайёрлади.**

ЗДОРОВЬЕ

# СОВЕТЫ ПО СОХРАНЕНИЮ ЗДОРОВЬЯ ВО ВРЕМЯ ПАНДЕМИИ









**Не прикасайтесь руками к лицу.** Ученые подсчитали, что в среднем человек за час 25 раз трогает свое лицо руками. При этом этими же руками люди касаются разных поверхностей, на которых может обитать вирус.

**Акцент на гигиене.** Такая вроде бы простая и элементарная процедура на настоящий момент считается самой эффективной профилактикой COVID-19. Руки надо мыть как можно чаще, причем делать это нужно в течение 20–30 секунд.

**Больше пейте.** Питьевая вода помогает поддерживать легкие увлажненными и очищать их.

**Отдайте предпочтение чаю.** Зеленый и черный чай содержат антиоксиданты полифенолы, которые, как известно, поддерживают иммунную систему, борясь со свободными радикалами.

**Делайте дыхательную гимнастику.** Глубокое дыхание помогает активировать блуждающий нерв, который включает парасимпатическую нервную систему, и справиться с беспокойством или стрессом.

**Больше гуляйте в солнечную погоду.** Дефицит витамина D вызывает тревогу и депрессию, поэтому старайтесь получить как можно больше естественного солнечного света: это поможет улучшить настроение и общее состояние. А ходьба станет дополнительным бонусом для сердечно-сосудистой системы.

**Занимайтесь физкультурой.** Доказано: физические упражнения увеличивают количество короткоцепочечных жирных кислот, которые являются ключом к здоровью.

**Используйте специи.** Гвоздика, тимьян, корица и тмин не только делают еду более интересной, но и обладают антибактериальными и противогрибковыми свойствами, помогают поддерживать иммунитет.



# ВКУСНЫЙ И ПОЛЕЗНЫЙ ПРОДУКТ

Мед обладает бактерицидным действием, усиливает обмен веществ, ускоряет регенерацию тканей, оказывает противовоспалительное, рассасывающее и тонизирующее действие.

Этот натуральный продукт нормализует деятельность желудочно-кишечного тракта (особенно при язвенной болезни желудка и двенадцатиперстной кишки, хроническом гастрите с повышенной и пониженной кислотностью), стимулирует функцию внутренних органов, предупреждает склероз, нормализует сон, благотворно влияет при нервном истощении, стимулирует защитные силы организма и т. д.

Мед смягчает слизистые оболочки, поэтому рекомендуется при кашле и болезнях горла.

Благодаря богатому содержанию индуцирующих сахаров, легко усваивающихся организмом человека, ферментов, витаминов, минеральных веществ, пищевых кислот и аминокислот, бактерицидных и ароматических веществ, мед является очень важным пищевым, энергетическим и диетическим продуктом. Он полезен для всех – взрослых и детей.

Кислоты меда активизируют деятельность пищеварительного тракта, снижая pH среды, способствуя появлению благоприятной микрофлоры.

# ПОЛЬЗА БЫСТРОЙ ХОДЬБЫ

Недавно ученые выяснили, что важно не только пройденное расстояние, но и скорость. Люди, предпочитающие передвигаться быстро, живут дольше.

Австралийские ученые собирали данные о 50 000 пешеходах старше 30 лет. Исследователей интересовала личная оценка людьми своей манеры ходьбы, приверженность вредным или полезным привычкам и объективная оценка состояния здоровья.

Выяснилось, что любой темп ходьбы выше медленного снижает риск смерти от сердечно-сосудистых заболеваний и инсультов. Для любителей среднего темпа риск ранней смерти от любой причины снижается на 20 %, от болезней сердца и сосудов – на 24 %. Для быстрых ходоков – на 24 % и 21 %, соответственно.



Особенно наглядно эта тенденция действует в старших возрастных группах. При среднем темпе ходьбы риск смерти от сердечно-сосудистых проблем у людей в возрасте 60 лет и старше снижается на 46 %, при быстром – на 53 %. С годами появляется линейная зависимость между темпом ходьбы и снижением риска смерти, которой нет у молодых людей.

Какую ходьбу следует считать быстрой, а какую медленной? Объективных критериев оценки не существует. Понятно, что быстрый темп для приверженцев малоподвижного образа жизни или тех, кому за 70, может сильно отличаться от скорости спортивной ходьбы здоровых 30-летних людей.

Чем выше физическое напряжение при ходьбе, тем лучше. Для здоровых людей среднего возраста быстрой считается ходьба 6–7,5 км/ч. Эквивалентом умеренной физической активности считается темп ходьбы 100 шагов в минуту.

Кроме долгосрочных преимуществ для здоровья, быстрая ходьба экономит время, которое можно потратить на другие полезные дела.

# ПРАВИЛА ПИТАНИЯ

Оказывается, на качество нашей жизни влияет не только то, что мы едим, но и то, как мы едим.

Мы привыкли все делать быстро: просыпаться, бежать в душ, завтракать,



обедать, ужинать. Это негативно сказывается на состоянии организма. С раннего детства родители твердят нам: есть нужно медленно, тщательно пережевывая пищу.

Почему это так важно?

Ключевым моментом в процессе пищеварения является жевание. Когда вы



начинаете жевать, в мозг поступает сигнал о том, что скоро в желудок попадет пища, он готовится к перевариванию.

Если еда попадает в него большими кусками, желудок работает на износ. Когда вы тщательно пережевываете пищу,



содержащиеся в слюне ферменты начинают расщеплять углеводы и крахмал на простейшие сахара. Тогда желудку не приходится перенапрягаться и выполнять одновременно и те и другие функции.

Жевать пищу нужно не менее 20–30 раз. Сначала это будет непривычно, но потом процесс автоматизируется – еда не будет больше «тяжелым камнем» для вашего организма, а станет необходимым для жизни топливом.

Если вы будете тщательно пережевывать еду, то перестанете переедать и поправляться.



Ученые доказали, что правильное употребление пищи продлевает жизнь в среднем на 10 лет.

Берегите свое здоровье!

*Не забудьте проконсультироваться с врачом.*

**Подготовлено по материалам интернета.**

ПОЛЕЗНО ЗНАТЬ!

# С ПОМОЩЬЮ ФОЛЬГИ МОЖНО ...



### размягчить коричневый сахар

Если ваш сахар превратился в камень, поместите его на лист фольги, закройте и поставьте в духовку на 5 минут при 150 градусах. Коричневый сахар станет как новый.

### заточить ножницы

Затупились ножницы? Не проблема. Используйте фольгу, и ножницы снова станут острыми. Все, что вам нужно – это разрезать фольгу на маленькие кусочки.





### сделать воронку из фольги

Нужна воронка, но дома нет ни одной? Не волнуйтесь, сложив кусок фольги вы получите воронку, которая не будет протекать. Идеально!



### усилить сигнал wi-fi

Сделайте экран из алюминиевой фольги и поставьте его у стены, где вы хотите усилить сигнал. Он увеличится в направлении экрана.

# КАК С ПОМОЩЬЮ ВАЗЕЛИНА ...




### придать блеск лакированной коже

Просто натрите вашу пару лакированных туфель вазелином и они заблестят.

Вам не нужны никакие дорогостоящие средства для ухода за кожаными вещами, если под рукой есть вазелин. Вотрите его в кожаную куртку круговыми движениями, затем удалите излишки.



### удалить жвачку с древесины

Если вы заметили прилипшую к вашему обеденному столу жвачку, не паникуйте. Выдавите на нее немного вазелина и втирайте, пока жвачка не размякнет, после чего просто удалите ее.

# С юмором!







# ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

## (с 19 по 25 октября)



**Овен.** Будьте готовы к новым знакомствам. Но знайте: вероятность того, что они получат свое продолжение, невелика. В эти дни полезно заниматься самообразованием в той сфере, которая вам наиболее интересна. Период также хорош для тех, кто давно мечтает о детях.



**Телец.** Проявите любознательность – и перед вами откроются любые двери. Однако имейте в виду: на начинания в этот раз понадобится немало сил. Рассчитайте все перед тем, как стартовать. Со временем в данный период будет напряженно. Заранее планируйте любые встречи.



**Близнецы.** Уверенности в себе вам сейчас будет не занимать. Пользуйтесь этим, чтобы попросить начальство о повышении зарплаты или повышении в должности. Выходные проведите с пользой. Закончите домашние дела, помогите близким, даже если они не будут просить о помощи.



**Рак.** Возможно, вам захочется побыть в одиночестве. Не отказывайте себе в этом. Новые знакомства, которые могут произойти в данный период, обречены на успех. Выходные проведите за творчеством. Любые начинания в этом ключе будут успешными.



**Лев.** Будьте готовы понести финансовые потери. Но скоро бюджет пополнится. Ссоры и разногласия могут возникнуть в семье из-за серьезного вопроса. В ближайшее время решить его не удастся. Зато порадуют дети: не только своими успехами, но и надлежащим поведением.



**Дева.** Настало время проявить свои организаторские способности. Беритесь за самые сложные дела, не сомневаясь в том, что вас ждет успех. С деньгами в этот период все будет замечательно, так что вы сможете чем-нибудь себя побаловать.



**Весы.** Будьте лояльнее к своим близким: им сейчас необходимо ваше участие. На работе вас ждет успех. И пусть некоторые коллеги за вас не порадуются, не обращайте на это внимания. С этого момента начинайте копить деньги: вскоре они понадобятся для совершения крупной покупки.



**Скорпион.** В грядущие дни вас ждет много встреч: счастливых и не очень. Примите любой исход событий. Некоторых знакомых придется вычеркнуть из собственной жизни. Если не сделаете этого, вас ждут предательства. В данный период может накатить небывалая усталость.



**Стрелец.** Хорошее самочувствие позволит вам завершить все начатые дела. Единственное, что омрачит этот период – возможные разногласия с семьей. Но вскоре и они будут решены. Будьте готовы к плотному графику и задержкам на работе. Заранее подготовьте близких к этому.



**Козерог.** Звезды разрешают вам в этот период браться за сложные дела. Вот только деньги пока старайтесь не тратить. По крайней мере, откажитесь от крупных покупок. Будьте готовы услышать сплетни о себе. Помните, лучшая реакция – отсутствие реакции.



**Водолей.** Любые проблемы, которые будут сейчас возникать, оставляйте при себе. Не рассказывайте о них никому – сами справитесь. Будьте готовы к переменам. Сначала они вас испугают, но потом вы поймете: все было к лучшему. В отношениях наступит затишье. Переждите его.



**Рыбы.** Если у вас на данный период запланированы важные встречи, лучше их отменить. Сейчас не самый подходящий момент. Отдохните и посвятите время себе и семье. Отнеситесь к этому процессу серьезно и с душой. Не жалейте денег!

# МУСИҚАДАН БАХТ ТОПГАН ДИЛАФРЎЗ



Сержант Дилафрўз Абдураимова ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармаси Намунали кўргазмали оркестрида хизмат қилади. У ўзининг скрипка мусиқа асбобида намунали оркестрнинг барча концерт дастурларида иштирок этиб келмоқда. Оркестрнинг ёш аъзолари уни устоз деб эъзозлашади.

Дилафрўз мусиқа санъатига болалигиданоқ меҳр қўйган. Етти ёшида у Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 147-ўрта мактабда ўқиш билан бирга, пойтахтдаги 2-мусиқа мактабининг скрипка тўгарагига ҳам қатнай бошлади. Мактабни тугатиб, мусиқа билим юртига ўқишга кирди. У ерда скрипка ва фортепиано чалиш сирларини пухта ўрганди. Мусиқа санъатига қизиқиш уни Ўзбекистон давлат консерваториясига етаклади. 2004 йилда ушбу таълим даргоҳини аъло баҳоларга тугатди.

Қаҳрамонимиз 2002 йилдан ҳозирги кунгача намунали оркестрда хизмат қилиб келмоқда. Узоқ йиллик хизмат фаолияти давомида сержант Д.Абдураимова юзлаб республика ва вазирлик миқёсидаги байрам тадбирларида ўзининг севимли мусиқа асбобида дурдона мусиқа асарларини маҳорат билан ижро этиб, кўплаб мухлислар орттирди.

– Мен энг бахтли аёллардан бириман, десам, янглишмаган бўламан, – дейди Дилафрўз Абдураимова қатъият билан. – Чунки севимли оилам, ардоқли касбим, жамоам бор. Турмуш ўртоғим – ИИВ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси отряд командири, «Мардлик» ордени соҳиби, подполковник Армен Арзуманов, ўғлим ва қизим менинг борлиғим, куч-қувватимдир. Биз – мусиқачилар фақат байрам ва яхши кунларда хизмат кўрсатамиз. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимизни яқинлашиб келаётган Ички ишлар органлари ходимлари касб байрами билан қутлайман. Ҳамиша соғ-саломат бўлишсин.

Сержант Дилафрўз Абдураимованинг сўзларини тинглаб, биз ҳам унга ҳавас қилдик.

**АБУ КЕНЖАЕВ,**
**«Postda» фотомухбири.**

«Ўзлигимиз тимсоли – Она тилим» мавзусидаги иншолар танловига

# ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ОНА ТИЛИМ

**Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёркин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир. Тилшунос олимларимизнинг илмий изланишлари натижасида ўзбек адабий тили тарихи бир қанча даврларни ўз ичига олиши аниқланган. Илк даврлар милоддан олдин бошланиб, Х асргача бўлган даврни ўзида мужассамлаштиради. Бу даврдаги тил фанда «Қадимги туркий тил» деб юритилади. Қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари ҳисобланган «Ўрхун-Энасой» ёдгорликларининг айнан шу тилда яратилганлиги фикримизнинг яққол исботидир.**

Кейинги давр фанда «Эски туркий тил» деб номланган бўлиб, Х асрдан XIV асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр кўпгина аждодларимизнинг нодир асарлари яралганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Буларга мисол қилиб, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит-турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Рабғузийнинг «Қиссаси Рабғузий» асарларини кўрсатиш мумкин.

XV асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача қўлланган тил «Эски ўзбек адабий тили» деб номланган. Саккокий, Сайфи Саройи, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Турди, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Завқий ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг асарлари шу тилда яратилган. Жумладан, ўзбек адабий тилининг ушбу даврга келиб ривожланишида Алишер Навоийнинг хизмати жуда катта. Навоий ўзининг бадиий ва илмий асарларида ўзбек тили ниҳоятда бой тиллардан бири эканлигини амалий исботлаб, назарий асослаб берган. Эски ўзбек тилининг ривожи буюк Алишер Навоийнинг номи билан узвий боғлиқдир. У эски ўзбек тилининг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда, ажойиб асарлар яратибгина қолмасдан, бу тилни илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилувчи «Муҳокамат-ул-луғатайн» номли йирик илмий асар ҳам ёзган ва унда ўзбек тилининг бошқа тиллардан ҳеч кам эмаслигини кўрсатиб берган.

1870 йил, яъни «Туркистон вилояти газети» нашр қилина бошланган вақтдан то ҳозирги кунгача ишлатиб келинаётган тил «Ҳозирги ўзбек адабий тили»деб аталади. Миллат билан бирга яралиб, шонли тарихнинг барча сокин ва суронли даврларини миллат билан ҳамнафас босиб ўтиб, миллат дарду қувончига шерик бўлиб келаётган, Ватан янглиғ бепоён ва муқаддас, она каби мўътабар ва мунис, жон каби яқин ва азиз ўзбек тилимизнинг улкан, бой тарихга эга эканлиги биз ёшларда Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ҳиссини уйғотади.

Ўзбекистон Республикасининг истиқлолга эришиш арафасидаги дастлабки дадил қадами ўзбек тилига давлат тили мақомини беришдан бошланди. Даставвал узоқ йиллар давомида бўғилиб, қадрсизланиб келаётган миллий тилимизни сақлаш, тиклаш, асраш ва юксалтириш учун ҳуқуқий замин яратилди. Бу ҳам тил эрки, озодлиги ва тараққиётининг миллат тақдирига, миллий ҳурриятга ниҳоятда чамбарчас боғлиқ эканлигини, миллат ва тил тақдири ўзаро мустаҳкам ришта билан пайванд этилганлигини намойиш этувчи тарихий ҳақиқатдир. Истиқлолга эришганимиздан сўнг она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Мустақиллик йилларида яратилган кенг ҳуқуқ ва имкониятлар натижасида ўзбек тилининг миллий ўзига хослиги, сўзга бой ҳамда тарихий илдизлари чуқур эканлиги янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бўлган она тилимизга миллий меросимизнинг асосларидан бири сифатида катта эътибор қаратилган ҳолда, унинг мавқеини ошириш, софлигини сақлаш, жаҳонда тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш, бу борадаги қонунчилигимизнинг маъно-мазмунини ёш авлод онгига сингдириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди.

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда она тилимизга бўлган эътибор кундан-кунга ортиб бормоқда. Бунга ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Айниқса, Юртбошимизнинг жорий йилнинг 23 сентябрь куни БМТнинг 75-сессиясида сўзга чиқиб, илк бор ўзбек тилида нутқ сўзлагани алоҳида таҳсинга сазовордир. Туркий тилнинг жаҳон олий минбаридан янграши барча қардош халқларнинг этларини жунбушга келтирди. Бундай ғолибона юришнинг давоми сифатида Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева ҳам яқинда БМТнинг халқаро хотин-қизлар масаласига бағишланган йиғилишида иштирок этиб, ўзининг самимий фикрларини ўзбек тилида баён этди.

Янгиланаётган Ўзбекистонда она тилимизга бўлган алоҳида эътиборни бугунги кунда ҳар бир соҳада кузатишимиз мумкин. Жумладан, қонунчилигимизда ҳам она тилимизни янада ривожлантириш ва қадрлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, мамлакатимиз фуқаролигини олиш мақсадидаги шахсга ўзбек тилини билиш мажбурияти юклатилганлигини айтишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида, давлат тилининг асосий тарғиботчиси ва ҳимоячиси бўлган ҳар бир юртдошимиз, миллатдошимизни ўзбек тили тараққиёти йўлида бирлашишга, ҳамкор, ҳамфикр бўлишга чорлаб қоламиз.

**Жавлонбек ИСМАТОВ,**
**ИИВ Академияси**
**3-ўқув курси курсанти.**

**Postda**
На посту

MUASSIS:
**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosari –
mayor Azizjon FAYZIYEV

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
Sherzod ABDUSAMADOV
Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

**TELEFONLAR:**
71-231-33-88;
**Faks:** 71-231-40-05.

**Obuna masalalari bo'yicha:**
71-231-38-74;
95-177-32-31

**Web-site:** www.postda.uz
**E-mail:** info@postda.uz

ISSN 2010-5355
9 772010 535001

Tahririyat
hisob raqami
20210000900447980001.
Bank kodi 00420.
ATIB
«Ipotekabank»ning
Mirobod
filiali.
STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4364.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 53 827 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ:**
**100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.**